

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 8 апрель куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Ҳ.Рахматиллаев, судланувчи С.Қучқоровнинг ҳимоячиси “SB Ishonch Oltiariq” адвокатлик бюроси адвокати Б.Сатволдиев, судланувчилар А.Ғуломқодиров ва Т.Одиловнинг ҳимоячиси “Inson va Huquq” адвокатлик бюроси адвокати Х.Ҳакимов, судланувчилар А.Ҳамидов ва Н.Ҳалилдиновнинг ҳимоячиси “Mukhiddinova I Partnyory” адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Рахмонов, жабрланувчи Р.Рахматовнинг вакиллари “Advocate Dilshodbek Protect” адвокатлик бюроси адвокати Д.Ҳакимов ва “Yurist House Sultanov” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Султоновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланганлар

Ҳамидов Ахмаджон Мамирович, 1990 йил 6 майда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, “Iman Halal Investments” МЧЖда ривожланиш бўйича директор лавозимида ишлаган, ҳозирда “Profit Support” МЧЖ директори, Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани, 9-ҳудуд, 63-уй, 7-хонадонда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олган,

Ҳалилдинов Нуриддин Асролиддин ўғли, 1990 йил 24 декабрда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, “Iman Halal Investments” МЧЖда бош ҳисобчи лавозимида ишлаган, ҳозирда “FMPV” МЧЖ директори, Фарғона шаҳар, Муқимий кўчаси, 75-уйда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олган,

Ғуломқодиров Алихон Султонхон ўғли, 1999 йил 17 августда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, судланмаган, “Iman Halal Investments” МЧЖда ҳисобчи лавозимида ишлаган, ҳозирда якка тартибдаги тадбиркор, Фарғона шаҳар, Фаровон кўчаси, 188-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда



бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олган,

Одилов Темурбек Улуғбек ўғли, 1993 йил 12 сентябрда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, “Of Course” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган, ҳозирда “Tax Optimation Team” МЧЖда бухгалтер, Фарғона шаҳар, Шокиров кўчаси, 44-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,167-моддаси 3-қисмининг “г” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган

Қучқоров Сайдуллохон Зиёдулло ўғли, 1993 йил 16 апрелда Қува туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 14 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, суднинг 2023 йил 21 декабрдаги ажрими билан ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 10 ой жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;

2. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 13 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 127-моддасининг 3-қисми, 168-моддаси 3-қисмининг “б,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59,61,59-моддасининг 8-қисмига асосан 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, ишламайди, Қувасой шаҳар, Дўстлик кўчаси, 9-уйда яшаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олганларга

оид 1-1514-2402/425-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларга ҳар



томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафларнинг фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Хамидов “Iman Halal Investments” МЧЖда ривожланиш бўйича директор лавозимида ишлаб келиб, жамият бош ҳисобчиси Н.Халилдинов ва ҳисобчи А.Ғуломқодировлар билан олдиндан тил бириктириб, жамиятнинг тўлиқ шериклигида таъсис этилган ва жамият томонидан бошқариладиган “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг мулкани ўзлаштириш мақсадида, А.Хамидов ва Н.Халилдинов 2022 йил 20 апрелда “Of Course” МЧЖни ташкил қилиб, норасмий раҳбар сифатида бошқариб, мазкур жамият билан ширкат ўртасида 2022 йил 29 апрелда 175-сонли шартнома тузишга эришиб, шартномада “Of Course” МЧЖнинг дўконлари томонидан ширкатнинг онлайн савдо платформаларидан фойдаланиб харидорларга насия савдога сотилган маҳсулотларнинг пуллари устамаси билан қўшиб ширкат томонидан “Of Course” МЧЖга тўлиқ ўтказиб берилиши, харидорлар эса шартномага асосан сотиб олган маҳсулотларнинг ойлик тўловларини ширкатга тўлаб бориши белгиланган бўлса-да, “Of Course” МЧЖ раҳбари бўлган судланувчи Т.Одилов, жиноят ишининг қисми ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандига асосан тугатилган сотувчилар Г.Рўзиматова, Д.Жумабоева, Г.Тўхтасинова, М.Ёқубов, Ш.Валиева Д.Юсупов, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган А.Джураев, шартномалардаги паспорт эгаларининг паспортини олиб келган жиноят ишининг қисми ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандига асосан тугатилган У.Омонбоев ва судланувчи С.Қучқоровни гуруҳга жалб қилиб, ширкатнинг ҳисоб рақамидан тегишли рухсатсиз “Of Course” МЧЖнинг ҳисоб рақамига келгусида сотиладиган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиб, сотувчилар томонидан аслида маҳсулот сотиб олмаган шахсларнинг номига қалбаки шартномаларни расмийлаштирилишини ташкиллаштириб, ўзгаларнинг номига насия савдо шартномаларни расмийлаштирган ҳолда қалбакилаштириб, шартномада кўрсатилган маҳсулотни паспортни тақдим қилган шахсларга бериб юбориб, ширкатнинг ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖга ортиқча ўтказиб олинган пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш режасини тузишган.

Режага кўра, судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов ва А.Ғуломқодиров “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШдаги ваколатларидан фойдаланиб, 2022 йил 29 апрелдаги 175-сонли шартномага асосан ширкат раҳбари Р.Рахматовнинг рухсати ва хабарисиз ширкат ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖга ҳали сотилмаган келгусида сотиладиган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов сифатида 3.127.300.800 сўм пул маблағларини ўтказиб олишга эришиб, “Of Course” МЧЖ раҳбари бўлган судланувчи Т.Одилов билан тил бириктириб, мазкур пул маблағларини мижозларга насия савдога маҳсулотлар сотиш орқали ширкатга қоплаб



бермасдан, ширкатнинг жуда кўп миқдорда 3.127.300.800 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров ва Т.Одилов жиноий фаолиятини давом эттириб, “Of Course” МЧЖ харидорларга муддатли тўловга сотган маҳсулотларнинг пулини фойдаси билан қўшиб “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШ томонидан “Of Course” МЧЖга ўтказиб берилишидан фойдаланиб, “Of Course” МЧЖ сотувчиларини ўзганинг паспорт маълумотларини олиб келган шахсларга паспорт эгасининг номига насия савдо шартномасини расмийлаштириб, уларга шартномада кўрсатилган маҳсулотни бериб юборишга ундаб, қалбаки шартнома тузиш орқали сотилган маҳсулотлар учун ҳам ширкатдан пул маблағларини ўтказган ҳолда ўзлаштиришни мақсад қилиб, сотувчи Д.Жумабоева орқали фуқаро Носиров Салимжон Хошим ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган судланувчи С.Қучқоров билан тил бириктириб, С.Носировнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 28 июлда нархи 6.048.000 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 6.048.000 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Г.Рўзиматова орқали фуқаро Хасанов Дилшат Эркиновичнинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Д.Хасановнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 3 августда нархи 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон аппаратини;

сотувчи А.Джураев орқали фуқаро Хасанова Гулрух Хамро қизининг паспорт маълумотларини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Г.Хасанованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 5 августда нархи 3.867.750 сўмлик “Smartfon Redmi 11 4/64” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 3.867.750 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Д.Юсупов орқали фуқаро Болибекова Феруза Сафарбоевнанинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Ф.Болибекованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 13 августда нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” ва нархи 4.567.500 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратларини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномаларини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” ва 4.567.500 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратларини;



сотувчи Д.Жумабоева орқали фуқаро Адилов Фахриддин Сотторовичнинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Ф.Адиловнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 14 августда нархи 4.725.000 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.725.000 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратини;

сотувчи М.Ёкубов орқали фуқаро Холматов Олимжон Толибжоновичнинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, О.Холматовнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 14 августда нархи 3.888.000 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 3.888.000 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини;

сотувчи М.Ёкубов орқали фуқаро Хабилова Дилафрузхон Дилмурот кизининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Д.Хабилованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 15 августда нархи 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Ш.Валиева орқали фуқаро Ибайдуллаев Дамир Габделфартовичнинг паспорт маълумотини олиб келган Р.Рустамова билан тил бириктириб, Д.Ибайдуллаевнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 15 августда нархи 1.890.000 сўмлик “Galaxy A03 core” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 1.890.000 сўмлик “Galaxy A03 core” русумли телефон аппаратини;

сотувчи М.Ёкубов орқали фуқаро Азаматова Гулназира Хайдаровнанинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Г.Азаматованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 17 августда нархи 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Д.Жумабоева орқали фуқаро Бабаджанова Манзурахон Мадаминжон кизининг паспорт маълумотини олиб келган судланувчи



С.Қучқоров тил бириктириб, М.Бабаджанованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 18 августда нархи 7.425.000 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.425.000 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Г.Рузиматова орқали фуқаро Миллажонова Дилнозахон Шухратжоновнанинг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Д.Миллажонованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 18 августда нархи 6.142.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 6.142.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Г.Тўхтасинова орқали фуқаро Ахмаджонов Хожиакбар Адхамжон ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Х.Ахмаджоновнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 19 августда нархи 6.952.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 6.952.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Г.Тўхтасинова орқали фуқаро Судуров Усмонали Ислон ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган У.Омонбоев билан тил бириктириб, У.Судуровнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 20 августда нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини;

сотувчи Г.Тўхтасинова орқали фуқаро Абдуғаниев Муроджон Ғайратжон ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган У.Омонбоев билан тил бириктириб, М.Абдуғаниевнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 21 августда нархи 6.142.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 6.142.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини;

сотувчи А.Джураев орқали фуқаро Хомидов Мухаммадюнус Абдумалик ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, М.Хомидовнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 22 августда нархи 6.952.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли



телефон аппаратурини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 6.952.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратурини;

сотувчи А.Джураев орқали фуқаро Абдиқодиров Хасанбой Иззатилло ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Х.Абдиқодировнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 22 августда нархи 7.398.000 сўмлик “Xiaomi 11 T” русумли телефон аппаратурини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.398.000 сўмлик “Xiaomi 11 T” русумли телефон аппаратурини;

сотувчи А.Джураев орқали фуқаро Ахмедова Гулшаной Равшанбек кизининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Г.Ахмедованинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 23 августда нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратурини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратурини;

сотувчи Г.Тўхтасинова орқали фуқаро Алимов Отабек Қаххор ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, О.Алимовнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 25 августда нархи 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон аппаратурини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон аппаратурини;

сотувчи Д.Жумабоева орқали фуқаро Олимжанов Бобуржон Собир ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган судланувчи С.Қучқоров билан тил бириктириб, Б.Олимжановнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 25 августда нархи 3.901.500 сўмлик “Redmi Note 10” ва нархи 3.240.000 сўмлик “Redmi Note 10S” русумли телефон аппаратурини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномаларини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 3.901.500 сўмлик “Redmi Note 10” ва 3.240.000 сўмлик “Redmi Note 10S” русумли телефон аппаратларини;

сотувчи Д.Жумабоева орқали фуқаро Хасанов Асадилло Муҳаммаджон ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган судланувчи С.Қучқоров билан тил бириктириб, А.Хасановнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 28 августда нархи 7.411.500 сўмлик “Xiaomi 11T”, нархи 4.036.500 сўмлик “Galaxy A23” ва нархи 3.496.500 сўмлик “Galaxy A13” русумли телефон аппаратларини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида



насия савдо шартномаларини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.411.500 сўмлик “Xiaomi 11T”, 4.036.500 сўмлик “Galaxy A23” ва 3.496.500 сўмлик “Galaxy A13” русумли телефон аппаратларини;

сотувчи Д.Юсупов орқали фуқаро Мирзарахимов Саиджон Фазлиддин ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, С.Мирзарахимовнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 20 сентябрда нархи 16.014.873 сўмлик “Asus” русумли ноутбукни муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 16.014.873 сўмлик “Asus” русумли ноутбукни;

сотувчи Д.Юсупов орқали фуқаро Муталлибжонов Муҳаммадумар Музаффаржон ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, М.Муталлибжоновнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 21 сентябрда нархи 7.060.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 7.060.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини;

сотувчи А.Джураев орқали фуқаро Тўлқинов Шерзодбек Шукрулло ўғлининг паспорт маълумотини олиб келган тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан тил бириктириб, Ш.Тўлқиновнинг номига компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, 2022 йил 28 сентябрда нархи 12.352.500 сўмлик “Xiaomi 12” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, 12.352.500 сўмлик “Xiaomi 12” русумли телефон аппаратини сотиб, ширкатнинг жами 159.445.623 сўмлик мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Судда судланувчи А.Хамидов айбига иқрорлик билдирмасдан, 2006 йилда Н.Халилдинов билан коллеж ва Солиқ академиясида бирга ўқиб, 2014 йилда Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясида ишлагани, 2015 йилда Солиқ академиясига магистратурага ўқишга кириб, 2017 йилда тамомлагани, сўнг солиқ органларига ишга қайтмагани, 2020 йилда “ТВС банк”ка тегишли муддатли тўловга савдо қилувчи “Венду” компаниясида бош директор бўлиб ишлаётган вақтида Р.Рахматов танишлари орқали унга алоқага чиққани, у Тошкент шаҳрида “Iman Halal Investments” МЧЖни ташкил қилгани, сўнг ушбу жамиятни асосий иштирокчи сифатида киритиб, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” коммандит ширкатини тузгани, Р.Рахматов уни жамиятга ривожланиш бўйича директор лавозимига ишга таклиф қилганида, дастлаб рози бўлмагани, кейин унга яхши ҳисобчи танишлари бўлса, айтишини сўрагани, шунда Н.Халилдиновга бу ҳақида айтганида, у ҳам дастлаб бунга рози бўлмасдан, кейинчалик Р.Рахматовнинг таклифини қабул



килиб, 2021 йил май ойида “Iman Halal Investments” МЧЖга бош ҳисобчи бўлиб ишга киргани, 2022 йил январь ойида эса ўзи ҳам Р.Рахматовнинг таклифига асосан “Iman Halal Investments” МЧЖга ривожланиш бўйича директор лавозимида ишга киргани, лекин ширкатнинг фаолиятига аралашмагани, фақат жамиятда савдони ривожлантириш, янги лойиҳаларни ишга тушириш кабилар билан шуғуллангани, Н.Халилдинов эса “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг бухгалтерия ҳисобини ҳам юритгани, ширкат насия савдо билан шуғуллангани, яъни ҳар қандай фирма ушбу ширкат билан шартнома тузиб, муддатли тўловга маҳсулот сотса, ширкат сотилган маҳсулотнинг пулларини ўша фирмага ўтказиб бергани, харидорлар эса сотиб олган маҳсулотнинг муддатли тўловларни ширкатга тўлаб боргани, ширкат ҳамкорликда ишлаган фирмалар билан худди шу шартлар асосида шартнома тузгани, 2022 йил 29 апрелда “Of Course” МЧЖ билан ширкат ҳамкорлик тўғрисидаги 175-сонли шартномани имзолагани, шартномага асосан “Of Course” МЧЖ томонидан муддатли тўловга сотилган маҳсулотларнинг пулларини ширкат тўлаб бериши, маҳсулотни сотиб олган харидор эса ойлик тўловларини ширкатга тўлаб бориши лозим бўлгани, бунда “Of Course” МЧЖ сотиб олган маҳсулотларни таннархига устама қўйиб, уларни ширкатга сотгани, ширкат эса маҳсулот пулларини “Of Course” МЧЖга ўтказиб, кейин миқозга муддатли тўловга сотгани, миқоз эса ўз навбатида муддатли тўловни ширкатга тўлаб боргани, шунда “Of Course” МЧЖга маҳсулотнинг таннархига қўйилган устама фойда бўлиб қолгани, “Of Course” МЧЖни онаси М.Сабирова ва ўртоғи Ф.Жалалдиновнинг таъсисчилигида ташкил қилгани, жамиятнинг Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида савдо дўконлари бўлгани, дўконларда телефон аппаратлари ва маиший-техника буюмлари нақд ҳамда муддатли тўловга сотилгани, жамиятни ўзи бошқариб келгани, Н.Халилдиновни ушбу жамиятга алоқаси бўлмагани, “Of Course” МЧЖ “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан ташқари, “Alif”, “Anor”, “Intend”, “Paymart”, “TBC”, “Variant” ва “Z-Market” номли фирмалар билан ҳам юқорида кўрсатилган тартибда ҳамкорлик қилгани, ширкатнинг платформасида насия савдо қилиш тартиби, яъни маҳсулот сотиб олоқчи бўлган миқоз паспорти ва пластик картасини тақдим қилиши, сотувчи томонидан дастлаб паспорти ширкатнинг “Iman pos” ёки “Iman Pay” номли дастурига киритилиши, дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилган бўлиб, сотувчи миқоз билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролидан фойдалангани, сўнг миқознинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилгани, сўнг телефонга келган смс код дастурга киритилгани, дастур автоматик тарзда пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, картадаги пул айланмасига қараб, унга ажратилиши мумкин бўлган лимит миқдорини белгилаб бергани, агар миқоз сотиб олоқчи бўлган маҳсулот нархи унга ажратилган лимит миқдоридан кўп бўлмаса, у билан шартнома тузилгани, аксинча бўлса, миқозда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлгани, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгач, миқоз уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши мумкин бўлгани,



мижоз маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, “Iman Pay” дастурида эса қоғоз кўринишидаги шартнома тузилмагани, унда мижозлар рўйхатдан ўтганидан сўнг уларга лимит ажратилгани, сўнг дўкондан маҳсулот танлаб, уни штрих кодини сканер қилса, мижознинг телефонига смс код келгани, шу кодни дастурга киритиш орқали мижоз шартномани тасдиқлаган деб ҳисобланиб, унга маҳсулот берилгани, ширкат ва “Of Course” МЧЖ ўртасида тузилган 175-сонли шартномага мувофиқ ширкатдан 7.032.000.000 сўм миқдорида пуллар ўтказилгани, шундан тахминан 2.100.000.000 сўм пуллар келгусида сотиладиган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов шаклида ўтказилгани, яъни улар ушбу олдиндан ўтказиб берилган 2.100.000.000 сўм пулларни ширкат платформасида савдо қилиш орқали қоплашлари керак бўлгани, “Of Course” МЧЖга ширкат савдо бўлими ходимлари Таслима ва Бобурлар олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказишгани, уларни ўзлари олдиндан тўлов ўтказиш керак бўлган фирмаларни кўриб чиқиб, пул миқдорини белгилаб, пулларни ўтказиш бўйича бухгалтерияга топшириқ беришгани, ширкат томонидан ўтказилган жами 7.032.000.000 сўм пуллар ва бошқа маблағлар ҳисобига жами 7.874.000.000 сўмлик телефон аппаратлари ва маиший техника буюмларини сотиб олишгани, бу бўйича ҳисоб рақамларидаги пул айланмалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилгани, 2022 йил декабрь ойида ширкатнинг молиявий пирамида асосида фаолият олиб боришини билиб қолиб, бу фаолиятини тўхтатиши ҳақида Р.Рахматовга айтгач, у билан муносабатлари ёмонлашгани, сўнг Р.Рахматов “Of Course” МЧЖни текшириб, жамиятга олдиндан тўлов сифатида ўтказилган пулларни гўёки талон-торож қилинганлигини, бунинг учун уларни қаматиб юборишини айтиб, шу ишларни бошлагани, Р.Рахматов “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида пуллар ўтказилганлигини билгани, сабаби ширкатнинг ҳисоб рақамидан пул ўтказилганлиги ҳақида Р.Рахматовга смс хабар бориб тургани, лекин муносабатлари бузилганидан сўнг у буни тан олмасдан, гўёки пулларини ўзлаштириб юборганлиги ҳақида тухмат қилгани, жамият ва ширкат ўртасида тузилган шартномада олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиш бўлмагани, ширкат томонидан ҳамкорларга олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиб беришнинг аниқ тартиби белгиланмагани, буни сотув бўлими ўзи ҳамкорлар билан келишган ҳолда амалга оширгани, молиявий ишларга аралашмагани, ширкатнинг молиявий ишларини Марк Зубов исмли директори бўлиб, ушбу ишларга масъул ҳисоблангани, ширкатдан “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида ўтказилган пуллар фақат маҳсулот сотиб олиш учун ишлатилгани, маркетинг ва бошқа мақсадларга маҳсулот сотишдан тушган фойда ҳисобидан ишлатилгани, дастлаб Р.Рахматовга “Of Course” МЧЖ ўзига тегишли эканлигини айтмагани, чунки, ушбу жамият таъсисчиси ўртоғи бўлганлиги учун унга тегишли эканлигини айтгани, лекин 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида Р.Рахматовга жамият ўзига тегишли эканлигини маълум қилгани, Р.Рахматов ширкатда йиғилиш ўтказиб, А.Ғуломқодировнинг картаси бир нечта шартномаларга қўшилганлигини, “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказган ҳолда талон-торож



килишганлигини айтгани, Р.Рахматов билан муносабатлари бузилганидан сўнг “Of Course” МЧЖда аудит ўтказганида, чиндан ҳам “Of Course” МЧЖ сотувчилари томонидан кўплаб қалбаки шартномалар расмийлаштирилганини билиб, бу ҳақида далолатнома расмийлаштириб, терговга тақдим қилгани, дўкон сотувчиларига насия савдо шартномаларини расмийлаштириш тартибини бузиб бўлса ҳам савдони кўпайтириш бўйича топшириқ бермагани, “Of Course” МЧЖга олдиндан ўтказилган пулларга алоқаси йўқлигини, ушбу пулларни сотув бўлими ходимлари Таслима ва Бобурлар белгилаб бергани, қалбаки шартномаларни дўкон сотувчилари расмийлаштиргани, бундан беҳабар бўлгани, агар шартномалар қалбаки бўлса, уни расмийлаштирган шахслар жавоб бериши кераклигини, терговда ўтказилган тафтишда ширкат ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖга ҳали сотилмаган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов сифатида 3.127.300.800 сўм пул маблағларини ўтказилганлиги аниқлангани, шу сабабли терговчи уларни ширкат раҳбари Р.Рахматовнинг рухсати ва хабарисиз ушбу пул маблағларини, шунингдек 23 та эпизодда фуқароларни номига қалбаки шартнома расмийлаштириб, уларни номига олинган маҳсулотларни ўзлаштирганликда асоссиз айблагани, Р.Рахматовдан 10.000.000 сўмдан ортиқ олдиндан тўловлар учун рухсат олиниши ҳақида ҳужжат қабул қилинмагани, яъни бу бўйича буйруқ қилиниши ва ходимларга таништирилиши кераклигини, бироқ бу буйруқ чиқарилмагани, бу бўйича “Zoom” платформасида ўтказилган йиғилишда ҳужжатни тасдиқламагани, бировни мулкига ва ҳақиқа қасддан хиёнат қилмагани, Р.Рахматовнинг шахсий адовати сабабли асоссиз нотўғри айблангани, чунки, уни фаолияти молиявий пирамида қараб кетаётганлигини сезиб қолгани учун устидан ариза билан мурожаат қилгани, ҳужжатларни сохталаштиришга аввалдан қарши бўлгани, ҳақиқий айбдор бўлган сотувчиларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тегишли жазосини олгани, жамият ва ширкат ўртасидаги пул ҳаракатлари ўзаро тузилган шартнома асосида қонуний амалга оширилгани, ҳеч қандай ўзлаштириш ҳаракатлари бўлмагани, айблов асоссиз қўйилгани, Н.Халилдинов билан анча йиллардан дўстлиги, Т.Одилов билан илгари ҳамкасб бўлгани, А.Ғуломқодиров Н.Халилдиновни шогирди бўлгани, қолган “Of Course” МЧЖ сотувчилари Д.Жумабоева, Д.Юсупов, Г.Рўзиматова, М.Ёкубов, Ш.Валиева, Г.Тўхтасинова ва А.Джўраевни фақат иш юзасидан танишини, лекин тергов органи томонидан улар тил бириктирган деган нотўғри хулосага келингани, улар ўртасида ширкатни пулларини ўзлаштириш ҳақида вазифалар тақсимланмагани, сотувчиларга ноқонуний шартномалар расмийлаштириши ҳақида топшириқ бўлмагани, айрим сотувчиларни устидан ариза беришгани ва улар қалбаки шартнома расмийлаштирганлиги учун жавобгарликка тортилгани, Р.Рахматовнинг буюртмаси асосида қамокқа олиниб, асоссиз айбловлар қўйилган деб ўйлашини, қамокдан чиқиш учун депозитга 151.000.000 сўм зарарни тўлашга мажбур бўлишгани, унга нисбатан қарши берилган асоссиз кўрсатувларни инобатга олмасликни, ушбу ҳолат Р.Рахматовнинг адовати ва зиддияти сабаб келиб чиққанлигини инобатга олиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.



Судда судланувчи Н.Халилдинов айбига иқрорлик билдирмасдан, А.Хамидов билан коллеж ва Солиқ академиясида ўқигани, 2014 йилда эса улар бирга Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясида ишлагани, 2019 йилда солиқ тизимидан чиқиб кетгани, 2021 йил май ойида А.Хамидовнинг тавсияси билан “Iman Halal Investments” МЧЖга бош ҳисобчи бўлиб ишга киргани, жамиятнинг таъсисчиси Р.Рахматов ишга олгани, у бош ҳисобчи бўлиб ишга кирганидан сўнг А.Хамидов ҳам жамиятга ривожланиш бўйича директор бўлгани, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” коммандит ширкати насия савдо билан шуғулланувчи ташкилот бўлгани, яъни ҳар қандай фирма ширкат билан шартнома тузиб, муддатли тўловга маҳсулот сотса, ширкат сотилган маҳсулотнинг пулларини ўша фирмага ўтказиб бергани, харидорлар эса сотиб олган маҳсулотнинг муддатли тўловларни ширкатга тўлаб боргани, ширкат ҳамкорликда ишлаган фирмалар билан худди шу тартибда шартнома тузгани, 2022 йил 29 апрелда “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” коммандит ширкати ҳамкорлик тўғрисида 175-сонли шартнома имзолагани, шартномага асосан “Of Course” МЧЖ томонидан муддатли тўловга сотилган маҳсулотларнинг пулларини ширкат тўлаб бериши, маҳсулотни сотиб олган харидор эса ойлик тўловларини ширкатга тўлаб бориши лозим бўлгани, бунда “Of Course” МЧЖ ўзи сотиб олган маҳсулотларни таннархига устама қўйиб, уларни ширкатга сотгани, ширкат эса маҳсулот пулларини жамиятга ўтказиб, кейин уни мижозга муддатли тўловга сотгани, мижоз эса ўз навбатида муддатли тўловни ширкатга тўлаб боргани, шунда “Of Course” МЧЖга маҳсулотнинг таннархига қўйилган устама фойда бўлиб қолгани, “Of Course” МЧЖ А.Хамидов томонидан ташкил этилган бўлиб, таъсисчиларидан бири унинг онаси М.Сабилова, иккинчиси эса амакиваччаси М.Жалалдинов бўлгани, жамиятнинг Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида савдо дўконлари бўлиб, телефон аппаратлари ва маиший-техника буюмлари нақд ва муддатли тўловга сотилгани, ширкатнинг платформасида насия савдо қилиш тартиби қуйидаги, яъни маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган мижоз паспорти ва пластик картасини тақдим қилиши, сотувчи томонидан дастлаб унинг паспорти ширкатнинг “Iman pos” ёки “Iman Pay” номли дастурига киритилиши, дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилган бўлиб, сотувчи мижоз билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролидан фойдалангани, сўнг мижознинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилгани, сўнг телефонга келган смс код дастурга киритилгани, дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, пластик картадаги пул айланмасига қараб, унга ажратилиши мумкин бўлган лимит миқдорини белгилаб бергани, агар мижоз сотиб олмоқчи бўлган маҳсулот нархи унга ажратилган лимит миқдоридан кўп бўлмаса, у билан шартнома тузилгани, аксинча бўлса, мижозда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлгани, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгач, мижоз уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши мумкин бўлгани, мижоз маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, “Iman Pay”



дастурида эса қоғоз кўринишидаги шартнома тузилмагани, унда мижозлар рўйхатдан ўтганидан сўнг уларга лимит ажратилгани, сўнг дўкондан маҳсулот танлаб, уни штрих кодини сканер қилса, мижознинг телефонига смс код келгани, шу кодни дастурга киритиш орқали мижоз шартномани тасдиқлаган деб ҳисобланиб, унга маҳсулот бериб юборилгани, ширкат ва “Of Course” МЧЖ ўртасида тузилган 175-сонли шартномага асосан ширкатдан 6.600.000.000 сўм миқдорида пуллар ўтказилиб, шундан 2.600.000.000 сўм пуллар келгусида сотиладиган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов шаклида ўтказилган бўлса, қолган 4.000.000.000 сўмига мижозларга сотилган маҳсулотларнинг ҳисоб-фактурасини тақдим қилингани, олдиндан ўтказиб берилган 2.600.000.000 сўм пулларни эса келгусида ширкат платформасида савдо қилиш орқали қопланиши керак бўлгани, ширкатдан “Of Course” МЧЖга ўтказилган пуллар ҳақида Р.Рахматовга смс хабар бориб тургани, олдиндан тўлов сифатида пул ўтказиш ташаббуси билан ширкатнинг сотув бўлими чиққани, бу ҳолатда ҳам сотув бўлими ходимлари Таслима ва Бобурлар савдони ошириш мақсадида “Of Course” МЧЖга олдиндан пулларни ўтказиш бўйича топшириқ бергани, уларнинг топшириғига асосан ўзи пулларни “Of Course” МЧЖ ва бошқа ҳамкор фирмаларга ўтказгани, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган пуллар асосан маҳсулот сотиб олишга ишлатилгани, шунингдек ушбу пулларнинг жамиятга қоладиган фойда қисмидан фирманинг маркетинг ишлари, ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа мақсадларига ҳам ишлатилгани, буни аниқ ҳисобини ҳисоб рақамдаги пул айланмасидан кўриш мумкинлигини, 2023 йил январь ойида уларни Р.Рахматов билан муносабатлари ёмонлашгач, у “Of Course” МЧЖни текшириб, аслида маҳсулот олмаган фуқароларнинг номига қалбаки шартнома расмийлаштириб, жамиятга олдиндан тўлов сифатида ўтказилган ширкатнинг пулларини ўзлаштирганликда айблаб, уларни қаматиб юборишини айтиб, органларга ариза билан мурожаат қилгани, аслида уларни бунга алоқаси йўқлигини, бундан манфаатдорлиги ҳам бўлмагани, бу ишларни дўкон сотувчилари амалга оширгани, улар ҳам бу ҳолатлардан ширкат ходимлари билан бир вақтда хабар топгач, ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида А.Хамидов билан “Of Course” МЧЖда аудит текширувини ўтказганида, “Of Course” МЧЖ сотувчилари томонидан жами 209 та ҳолатда аслида маҳсулот сотиб олмаган фуқароларнинг номига шартномалар расмийлаштирилганлиги аниқлангани, фуқаролар сотувчилар билан юзлаштирилганида, сотувчилар ушбу фуқароларга маҳсулот сотмаганлигини, учинчи шахслар томонидан уларнинг паспорт ва пластик карта маълумотлари тақдим қилинганида, номларига шартномаларни расмийлаштирганлигини, шартномага имзони ҳам учинчи шахслар қўйганлигини тан олгани, дўкон сотувчиларидан А.Джураев 12 та, Д.Юсупов 30 та, Д.Жумабоева 37 та, Г.Рўзиматова 58 та, М.Ёқубов 14 та, М.Абдулаҳадов 12 та, С.Ғаниева 41 та ва Ш.Тўхтасинов 5 та ҳолатда шундай шартномаларни расмийлаштирганлиги натижасида “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШҒа 1.234.783.988,82 сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқлангани, бу ҳақида аудит далолатномаси расмийлаштирилгани, бундан ташқари, дўкон сотувчиси



Г.Рўзиматов томонидан тахминан 107.000.000 сўмлик телефон аппаратлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўзлаштирилган ҳолати ҳам бўлгани, бу ҳолат бўйича устидан ариза билан мурожаат қилингани ва иши судда кўриб чиқилиб жазо тайинлангани, ҳақиқатдан ҳам “Of Course” МЧЖ сотувчилари дўконга маҳсулот сотиб олиш учун келган мижозларга ўзини эмас, бошқа шахсни паспортини олиб келган бўлса ҳам шу паспортга насия савдо шартномасини тузиб бергани, бунга сабаб эса ширкатнинг платформасида юз орқали рўйхатдан ўтказиш функцияси бўлмагани, бу эса сотувчиларга ўзи бўлмаса-да паспорт маълумотлари бўлган одамнинг номига насия савдо шартномасини расмийлаштириш имконини бергани, бундан сотувчиларнинг баъзилари қалбаки насия савдо шартномаларини расмийлаштиришда фойдалангани, лекин Р.Рахматов сотувчилар томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар учун уларни айбдор қилгани, аслида улар сотувчиларга ноқонуний шартнома расмийлаштириш бўйича топшириқ бермагани, “Of Course” МЧЖни А.Хамидов бошқаргани, у эса унга маслаҳатчи бўлгани, бухгалтерия ҳисобини ёлланма ишчилар юритгани, баъзида ҳисобчилар ўзлари эплай олмаган пайтда ўзи ҳам жамиятнинг ҳисоб рақамларидан пул ўтказмаларини амалга оширишга ёрдам бергани, “Of Course” МЧЖ ва ширкат ўртасида тузилган шартномада олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиш бўлмагани, ширкат томонидан ҳамкорларга олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиб беришнинг аниқ тартиби бўлмагани, буни сотув бўлимининг ўзи ҳамкорлар билан келишган ҳолда амалга оширгани, улар унга олдиндан тўлов ўтказиш бўйича топшириқ бергани, у эса топшириққа асосан пулларни ўтказгани, бундан ташқари, меҳнат таътилида бўлган вақтида ёрдамчи ҳисобчи Ёъзозахон ҳам уни номидан бундай ўтказмаларни амалга оширгани, хусусан, таътилда эканлигида Ёъзозахон 1.000.000.000 сўмга яқин олдиндан тўловни ўтказгани, ўша вақтда Р.Рахматов уларга босим қилиб, пулларини ўзлаштирганлигини, шундай бўлса-да, уларни кечирганлигини айтиб алдаб, тушунтириш хати ёзиб беришларини сўрагани, шу сабабли 2.669.557.690 сўм пулларни олдиндан тўлов сифатида рухсатсиз ва тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширмасдан ўтказиб юборганлиги ҳақида тушунтириш хати ёзиб бергани, тушунтириш хатида рухсатсиз деганда хато сабабли ўтказиб юборилган пулларни назарда тутгани, “Of Course” МЧЖ билан ширкат ўртасида шартнома тузилишидан олдин Р.Рахматов билан ушбу жамият ҳақида гаплашмагани, “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида ўтказилган пулларни фақат 900.000.000 сўмини ўтказгани, қолган қисмини эса сотув бўлими ходимлари Бобур ва Таслиманинг ўзи белгилаб бергани, шунга кўра бу пуллар ўтказилгани, Бобур сотув бўлими бошлиғи, Таслима эса унинг ходими бўлгани, Ёъзоза эса ёрдамчи ҳисобчи бўлгани, унинг ўзи ҳам “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида 862.000.000 сўм пулларни ўтказгани, бу пайтда меҳнат таътилида бўлгани, “Of Course” МЧЖдан бошқа фирмаларга ҳам олдиндан тўлов сифатида пуллар ўтказилгани, пулларни ўтказишда шаблондан фойдаланганлиги сабабли бошқа фирмага пул ўтказиш учун шаблон яратмоқчи бўлганида, “Of Course” МЧЖ учун яратган шаблонини дастурга юклагани ва шу сабабли адашиб пулларни “Of Course”



МЧЖга ўтказиб юборгани, терговда ўтказилган тафтишда ширкат ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖга ҳали сотилмаган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов сифатида 3.127.300.800 сўм пул маблағларини ўтказилганлиги аниқлангани, шу сабабли терговчи уларни ширкат раҳбари Р.Рахматовнинг рухсати ва хабарисиз ушбу пул маблағларини, шунингдек 23 та эпизодда фуқароларни номига қалбаки шартнома расмийлаштириб, уларни номига олинган маҳсулотларни ўзлаштирганликда асоссиз айблагани, Р.Рахматовдан 10.000.000 сўмдан ортиқ олдиндан тўловлар учун рухсат олинishi ҳақида буйруқ чиқарилмагани ва танишмагани, ишдан чиқиб кетганларидан сўнг чиқарилган бўлиши мумкинлигини, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШдан 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи олмагани, “Iman Halal Investments” МЧЖда бош ҳисобчи бўлиб ишлаганлиги учун жамиятдан ойлик иш ҳақи олгани, Р.Рахматов уни иш ҳақини ўрганиб, 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи олганлиги ҳақида нотўғри фикрга келгани, ҳақиқатдан ҳам ушбу сумма пластик картасига тушгани, аммо ушбу суммалар жамиятнинг баъзи норасмий ишчилари, яъни Ўзбекистон фуқаролари бўлмаган Суна Парк, Екатерина, Марк Зубовлар тақдим қилган карталарга ўтказиб бериш учун қўшимча картага туширилгани, бу ҳақида тўлов чеклари борлигини, унинг картасига туширилган пуллар ойлик иш ҳақи сифатида бухгалтерияда тан олиниб, солиқ органига ҳисоботлар топширилгани ва ушбу суммаларга солиқлар ҳам тўлангани, ушбу фуқаролар чет элда яшагани ва ишлагани, чет эл фуқаролари Ўзбекистонда расмий ишлаши учун катта критерийлардан бири ПНФЛ олиб махсус рўйхатдан ўтиши ва катта миқдордаги давлат божини тўлаши керак бўлгани, шунинг учун ушбу харажатлардан қочиш мақсадида вақтинчалик шу шаклда уларнинг иш ҳақини бериш унга юклатилгани, шу шаклда ойлик иш ҳақини бериш тартибидан Р.Рахматовнинг хабари ва оғзаки рухсати бўлгани, ўзи олган иш ҳақини таҳлил қилганида, Р.Рахматов нотўғри ҳисоб-китоб қилганлиги оқибатида асоссиз 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақини ўзлаштирганликда айблангани, лекин терговда ушбу ҳолат тафтиш ўтказиш йўли билан ҳам аниқланмагани, шунингдек ушбу пулларнинг маълум қисмини Р.Рахматовни ўзига ҳам ташлаб бергани, қолган қисми фирмани эҳтиёжлари учун ишлатилгани, баъзи ҳолларда фирмани эҳтиёжлари учун ёнидан харажат қилган бўлса, кейин уни ширкатдан ўзига тушириб олган бўлиши мумкинлигини, Р.Рахматовга “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб, ушбу пулларни тўлаш ҳақида гапирмагани, Р.Рахматовнинг шахсий адовати сабабли асоссиз нотўғри айблангани, чунки, уни фаолияти молиявий пирамида қараб кетаётганлигини сезиб қолгани учун уларни устидан ариза билан мурожаат қилгани, ҳақиқий айбдор бўлган сотувчиларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, улар тегишли жазосини олгани, жамият ва ширкат ўртасидаги пул ҳаракатлари ўзаро тузилган шартнома асосида қонуний амалга оширилгани, ҳеч қандай ўзлаштириш ҳаракатлари бўлмагани, айблов асоссиз қўйилгани, А.Хамидов билан анча йиллардан дўстлиги, Т.Одилов билан илгари ҳамкасб бўлгани, А.Ғуломқодиров шогирди бўлгани, қолган “Of Course” МЧЖ сотувчилари Д.Жумабоева, Д.Юсупов, Г.Рўзиматова, М.Ёкубов, Ш.Валиева, Г.Тўхтасинова ва А.Джўраевни фақат



иш юзасидан танишини, лекин тергов органи томонидан улар тил бириктирган деган нотўғри хулосага келингани, улар билан ширкатни пулларини ўзлаштириш ҳақида вазифалар тақсимланмагани, сотувчиларга ноқонуний шартномалар расмийлаштириши ҳақида топшириқ бермагани, айрим сотувчилар уларга қарши ёлғон кўрсатувлар бергани, 73.805.206 сўм картасига ўзлаштирилган деган тушунча умуман асосиз бўлиб, асосан чет эллик шахсларга Р.Рахматовнинг топшириғи билан пуллар тўлангани, у шунча вақтдан буён ёки аввалги тергов давомида ҳам ушбу даъвони кўтармагани, Р.Рахматовнинг буюртмаси асосида қамоққа олиниб, асосиз айбловлар қўйилган деб ўйлашини, қамокдан чиқиш учун депозитга 151.000.000 сўм зарарни тўлашга мажбур бўлишгани, унга нисбатан қарши берилган асосиз кўрсатувларни инобатга олмасликни, ушбу ҳолат Р.Рахматовнинг адовати туфайли келиб чиққанлигини инобатга олиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи А.Ғуломқодиров айбига иқрорлик билдирмасдан, 2019 йилда Фарғона солиқ коллежини битирганидан сўнг Н.Халилдинов билан шогирд сифатида ишлаб юргани, 2021 йил бошларида Н.Халилдинов “Iman Halal Investments” МЧЖга бош ҳисобчи бўлиб ишга киргани, сўнг ўша йилнинг декабрь ойларида Н.Халилдинов Р.Рахматовга уни тавсия қилгач, уни суҳбатидан ўтиб, ҳисобчи бўлиб ишга киргани, орадан тахминан 4-5 ой ўтгач А.Хамидов ҳам жамиятга ривожлантириш бўйича директор бўлиб ишга киргани, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” коммандит ширкати насия савдо билан шуғулланувчи ташкилот бўлгани, “Iman Halal Investments” МЧЖда ишлаш билан бир қаторда ширкатни ҳам ишларини бажаргани, вазифаларига ҳамкор ташкилотлар томонидан юборилган ҳисоб-фактуралардаги маълумотларни тўғрилигини текшириб бориш кабилар киргани, Н.Халилдинов эса бош ҳисобчи бўлиб, ширкатнинг бухгалтерия ҳисобини юритишга ва пул ўтказмаларини амалга оширишга маъсул ҳисоблангани, ўша пайтда бухгалтерияда Ёъзозахон ҳам молиявий ҳисобчи бўлиб, асосан пул ўтказмаларини амалга оширгани, 2022 йил декабрь ойида уларни иши кўпайиб кетган вақтида ўзи ҳам пул ўтказмаларини амалга оширган бўлиши мумкинлигини, 2022 йил апрель ойида ширкат ва “Of Course” МЧЖ ўртасида 175-сонли шартнома имзолангани, ўша вақтда ушбу жамиятни А.Хамидовга тегишли эканлигини билмагани, бу ҳақида 2022 йил тахминан сентябрь ёки октябрь ойларида билгани, 2023 йил 18 январь куни Р.Рахматов ширкатда йиғилиш ўтказиб, уни пластик картаси “Of Course” МЧЖ томонидан расмийлаштирилган юзлаб шартномаларга киритилганини айтиб, уни ишдан бўшатиб юборгани, шунингдек у йиғилишда А.Хамидов ва Н.Халилдиновга ўзини фирмасига олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиб, талон-торож қилиб юборганлигини айтгани, ҳақиқатдан ҳам пластик картасининг рақамини “Of Course” МЧЖнинг дўконида сотувчи бўлиб ишлаган Ғаниева Саодатга бергани, сабаби ўша пайтда уни ёктириб қолгани, С.Ғаниева унга савдоси тушиб кетаётганлиги, бундай давом этса уни ишдан бўшатиб юборишларини айтганлиги сабабли, унга савдони ошириш учун ўзининг яқин қариндошлари ёки танишларига шартнома тузишда қўшимча пластик карта сифатида



киритиши учун картасининг рақамини бергани, лекин ширкатнинг дастурларига қўшимча пластик карта киритиш мумкинлигини аниқ билмагани, фақат синаб кўришини, агар шундай қилишни имкони бўлса, тўловга қобилияти бор, ишончли танишларига шартнома тузишда шу пластикдан фойдаланиши учун бергани, С.Ғаниева ундан пластик картани рақамини олганидан сўнг миждозлар билан тузилган 10 та шартномага пластик картасини қўшимча сифатида киритгани, телефон аппаратида келган смс кодларни унга айтиб бергани, ушбу 10 та шартнома ҳақиқий расмийлаштирилгани, шартномада кўрсатилган шахслар шартномада кўрсатилган махсулотларни сотиб олгани, ҳозирда ушбу шартномаларнинг тўловлари тўлиқ тўланиб ёпилгани, бундан ташқари, яна бошқа шартномаларга ҳам уни картаси қўшилган бўлиши мумкинлигини, сабаби уни телефон аппаратида жуда кўп тасдиқлаш кодлари келиб тургани, аммо ушбу кодларни ҳеч кимга айтмагани, қолаверса тузилган актив шартномаларга карта қўшилмагани, “Of Course” МЧЖга алоқаси йўқлигини, ушбу жамиятда бирорта вазифа бажармагани, фақат Фарғонадан бўлганлиги учун ҳар сафар уйига келган вақтида иш юзасидан жамиятнинг Фарғона шаҳридаги дўконларига кириб тургани, баъзида дўкондан ширкатга олиб кетиш керак бўлган нарса ва ҳужжатларни олиб кетгани, ширкатдан “Of Course” МЧЖга қанча миқдорда олдиндан тўлов сифатида пуллар ўтказилганлигини ва бу пуллар кимнинг рухсати билан ўтказилганлигини билмагани, лекин олдиндан тўлов сифатида пул ўтказиш керак бўлса, унинг миқдорини ширкат ишчиси Таслима белгилаб бергани, ширкатнинг сотув бўлими томонидан ҳамкорларга олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиб бериш миқдори белгилаб берилгани, кейин бухгалтерия бу пулларни ўтказиб бериш билан шуғуллангани, сотув бўлими кимга қанча миқдорда пулларни ўтказиб беришни ўзи ҳал қилгани, ширкатдан “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказилганидан Р.Раҳматовни хабари бўлгани, сабаби ўтказилган пул ҳақида унга смс хабар бориб тургани, А.Ҳамидов ва бошқалар билан жиноий гуруҳ тузмагани, улар ўртасида вазифалар тақсимланмагани, фақат ҳисобчи лавозимида савдо бўлими берган маълумотлар асосида ҳисоб-фактураларни қабул қилгани, савдолар учун ёки олдиндан тўлов сифатида ҳамкорларга пул ўтказиш операцияларида пул ўтказмагани, фақат “Of Course” МЧЖ сотувчиларига ширкат томонидан тайёрланган видеоролик ва ҳужжатларни алмашинувида иштирок этгани, сотувчилар томонидан шартномаларни қалбакилаштирган ҳолатига алоқаси йўқлигини, бу ҳақида аудит ўтказилганида билгани, айрим сотувчилар уларга қарши ёлғон кўрсатувлар бергани, шартномаларни қалбакилаштириш ва ўзлаштириш жиноятини содир этмагани, асоссиз айблангани, шу сабабли оқлов ҳукм чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи Т.Одилов айбига иқдорлик билдирмасдан, 2013 йилда Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясига ишга киргани, 2014 йилда Фарғона Политехника институтига ўқишга кириб, 2019 йилда тамомлаб, сўнг 2020 йилнинг май ойида яна Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясига бош инспектор лавозимига ишга киргани, ўша вақтда бирга ишлаган А.Ҳамидов ва



Н.Халилдинов билан танишгани ва улар ишдан чиқиб кетганидан сўнг алоқада бўлиб тургани, ҳақиқатдан ҳам А.Хамидов Фарғона шаҳрида “Of Course” МЧЖни ташкил қилиб, телефон аппаратлари ва маиший техника буюмларини насия савдоси билан шуғулланувчи дўконлар ташкил қилгани, 2022 йил июль ойида А.Хамидов унга фирмасида ишлашни таклиф қилганлиги учун август ойидан “Of Course” МЧЖга менежер сифатида ишга кириб, 4 ноябрдан эса жамият директори этиб тайинлангани, бунга қадар жамиятда Ф.Жалалдинов директор бўлиб ишлагани, Н.Халилдиновнинг қариндоши Ф.Жалалдинов 50%, А.Хамидовнинг онаси М.Сабинова 50% улуш билан таъсисчилар сифатида кўрсатилгани, “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳрида 12 та дўконлари бўлгани, булардан бештаси Фарғона шаҳар марказидаги “Artel”, “Fergana Mobile”, “Sotka.uz”, “Ихлос” дўкони ичида ва Болалар стоматология шифохонаси рўпарасида жойлашгани, қолганлари Фрунзе, Қирғули ва А.Қодирий массивларида, С.Темур кўчасида жойлашган “Флагман”, “Осиё маркет” супермаркетлар ичида, Б.Марғилоний кўчасидаги “Алоқа банк” олдида ва Ойбек кўчасида жойлашгани, ўша вақтда Тошкент шаҳридаги “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШда А.Хамидов ривожланиш бўйича директор, Н.Халилдинов эса бош ҳисобчи лавозимида ишлагани, 2022 йил 29 апрелда “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ҳамкорлик тўғрисидаги 175-сонли шартномани имзолаган бўлгани, шартномага асосан “Of Course” МЧЖ томонидан насия савдога сотилган маҳсулотнинг пулларини ширкатга тўлаб бериши, маҳсулотни сотиб олган харидор эса ойлик тўловларини ширкатга тўлаб бориши керак бўлгани, жамият “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан ташқари бошқа фирмалар билан ҳам худди шундай тартибда ҳамкорлик қилгани, ширкатнинг платформасида насия савдо қилиш тартиби, яъни маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган миқдор паспортини ва пластик картасини тақдим қилиши, сотувчи томонидан дастлаб унинг پاسпорти ширкатнинг “Iman pos” номли дастурига киритилиши, дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилган бўлиб, сотувчи миқдор билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролидан фойдаланиши, миқдорнинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилиши, сўнг телефонга смс код келиши, ушбу смс код дастурга киритилиши, кейин дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, пластик картадаги пул айланмасига қараб, унга ажратилиши мумкин бўлган лимит миқдорини белгилаб бериши, агар миқдор сотиб олмоқчи бўлган маҳсулот нархи унга ажратилган лимит миқдорида кўп бўлмаса, у билан шартнома тузилиши, аксинча бўлса, миқдорда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлиши, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгач, миқдор уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши мумкин бўлгани, миқдор маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, 2022 йил ноябрь ойида дўконга баъзи фуқаролар келиб, ҳеч қандай маҳсулот сотиб олмаганлиги, бироқ номига дўкон томонидан насия савдога маҳсулот сотиб олинганлиги бўйича шартномалар қилинганлиги ҳақида шикоят қилишни бошлагани, сўнг улар



ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида шикоят қилиб келган фуқаролар билан суҳбатлашиб, маҳсулот олган ва умуман тўлов қилмаган ёки тўловни кечиктириб келаётган миждозлар билан суриштирув ишларини олиб боришгани, дастлаб бу ишларни “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ходимлари билан биргаликда олиб боришгани, суриштирувлар натижасида “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳридаги дўконлари сотувчилари томонидан учинчи шахслар билан келишиб, учинчи шахслар томонидан олиб келинган бошқа фуқароларнинг паспорти ва пластик карта маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг номига шартномалар расмийлаштирилганлиги, бироқ шартномада кўрсатилган маҳсулотни улар эмас, учинчи шахслар олганлиги, шартномалардаги имзоларни ҳам учинчи шахслар қалбакилаштирган ҳолда ўзлари имзолаганлиги, бунга сотувчилар имконият яратиб берганлиги аниқлангани, сўнг 2023 йил бошида “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ раҳбари Р.Рахматов уларни устидан органларга ариза билан мурожаат қилгани, Р.Рахматов уларни аслида маҳсулот олмаган фуқароларнинг номига қалбаки шартнома расмийлаштириб, ширкатнинг пулларини ўзлаштирилганликда айблагани, аслида уларни бунга алоқаси йўқлигини, бундан манфаатдорлиги ҳам бўлмагани, бу ишларни дўкон сотувчилари амалга оширгани, улар ҳам бу ҳолатлардан ширкат ходимлари билан бир вақтда хабар топгани, ширкат уларни устидан ариза билан мурожаат қилганидан сўнг ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида А.Хамидов ва Н.Халилдинов “Of Course” МЧЖда аудит текширувини ўтказганида, “Of Course” МЧЖ сотувчилари томонидан жами 209 та ҳолатда аслида маҳсулот сотиб олмаган фуқароларнинг номига шартномалар расмийлаштирилганлиги аниқлангани, фуқаролар билан суҳбатлашилганида, улар маҳсулот сотиб олмаганликларини билдиргани, фуқаролар сотувчилар билан юзлаштирилганида, сотувчиларнинг ўзлари ҳам ушбу фуқароларга маҳсулот сотмаганлиги, учинчи шахслар томонидан уларнинг паспорт ва пластик карта маълумотлари тақдим қилинганлигида, уларнинг номига шартномаларни расмийлаштирилганлиги, шартномага имзони ҳам учинчи шахслар қўйганлигини тан олгани, дўкон сотувчиларидан А.Джураев 12 та, Д.Юсупов 30 та, Д.Жумабоева 37 та, Г.Рўзиматова 58 та, М.Ёқубов 14 та, М.Абдулаҳадов 12 та, С.Ғаниева 41 та ва Ш.Тўхтасинов 5 та ҳолатда шундай шартномаларни расмийлаштирилганлиги натижасида “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШга 1.234.783.988,82 сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқлангани, бу ҳақида аудит далолатномаси расмийлаштирилгани, бундан ташқари, дўконнинг собиқ ходимаси Г.Рўзиматов томонидан дўкондаги тахминан 107.000.000 сўмлик телефон аппаратлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз ўзлаштириб юборилган ҳолати ҳам бўлгани, бу ҳолат бўйича уни устидан ариза билан мурожаат қилгани, уни иши судда кўриб чиқилиб, жазо тайинлангани, “Of Course” МЧЖ сотувчилар томонидан қалбаки шартномаларни “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг “Iman pos” дастуридан ташқари бошқа фирмаларнинг дастури орқали расмийлаштирилган ҳолатлари бўлмагани, қалбаки шартномалар фақат ширкатнинг “Iman pos” дастури орқали



расмийлаштирилгани, бунинг асосий сабаби ушбу дастурда миждознинг пластик картаси ўзининг номида эмас, бошқанинг номида бўлса ҳам дастур уни қабул қилгани, бу дастурда пластик карта “скоринг”дан ўтказилганида етарли лимит бўлмаса, қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлгани, шу сабабли сотувчиларга учинчи шахслар томонидан олиб келинган фуқароларнинг паспортга шартнома расмийлаштириш осон бўлгани, паспортга исталган пластик картани киритиш орқали осонгина шартнома тузиш мумкин бўлгани, бошқа фирмаларнинг дастурларида бундай имконият бўлмагани, уларнинг дастурида пластик карта паспорт эгасининг номида бўлиши талаб этилгани, фақат битта пластик карта киритиш имкони мавжуд бўлгани, шунинг учун ҳам сотувчилари қалбаки шартномалар тузишда айнан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг “Iman pos” дастуридан фойдалангани, сотувчилар миждозлар билан қайси фирмаларнинг платформаси орқали шартнома расмийлаштиришни мустақил танлашини, исталган фирма орқали исталган миждорда шартномаларни расмийлаштириш мумкинлигини, сабаби бундан фирмаларнинг ўзлари манфаатдорлигини, шу сабабли улар миждозлар билан тузиладиган шартномаларга чеклов қўйишмагани, А.Хамидов ва бошқалар билан жиноий тил бириктирмагани, сотувчилар томонидан шартномаларни қалбакилаштиришига алоқаси йўқлигини, бу ҳақида аудит ўтказилганида билгани, айрим сотувчилар уларга қарши ёлгон кўрсатувлар бергани, шартномаларни қалбакилаштириш ва ўзлаштириш жиноятини содир этмагани, асосиз айблангани, шу сабабли оқлов ҳукм чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи С.Қучқоров айбига қисман иқдорлик билдириб, 2022 йилда Фарғона шаҳар, Қирғули мавзесидаги “Нефтчи маданият уйи” олдида “Of Course” МЧЖга тегишли “Албатта” номли насия савдо билан шуғулланувчи дўкон очилганлигини билиб, дўконга телефон аппаратлари сотиб олиш учун киргани, сотувчи Жумабоева Дилшода исмли қиз билан гаплашиб, насияга телефон сотиб олиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини сўраганида, у биргина паспорт билан насия савдога телефон сотиб олиши мумкинлигини айтгани, шунда Д.Жумабоевага онасини ва бошқа яқинларини номига ҳам насия савдога телефон сотиб олмоқчи эканини сўраганида, уларни паспортини ва ёки нусхасини берса, уларнинг номига ҳам насия савдога телефон аппаратларини шартнома асосида чиқариб беришини, шартномани ўзи имзолаб беришини, паспорт эгалари келиши шарт эмаслигини айтгани, шунда Д.Жумабоевага бир нечта телефон зарурлигини айтиб, уларни насия сотиб олишда ёрдам сўрагани, Д.Жумабоева унга бошқа шахсларнинг номига насия савдо шартномасини расмийлаштириб, телефон аппаратларини беришини, кейин уни тўловларини ўз вақтида тўлаб бориши кераклигини айтгани, унга тўловлардан муаммо бўлмаслигини билдиргани, кейин Д.Жумабоева унга 3 нафар шахснинг номига насия савдо шартномасини расмийлаштириб, жами 5 дона телефон аппаратларини бергани, лекин ушбу шахсларни танимаслигини, улар билан гаплашмагани, Д.Жумабоевани ўзи шартномани қандай расмийлаштирганини билишини, у фақат шартномаларни 3 нафар шахснинг номидан имзолаб бергани, бегона шахсларни номига фақат



5 та телефон аппаратларини олгани, бироқ уларнинг маркалари қандай бўлганини эслай олмагани, терговда Д.Жумабоева Носиров Салимжон номига 2022 йил 28 июлда 6.048.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини, Бабаджанова Манзурахон номига 2022 йил 18 августда 7.425.500 сўмлик “Xiaomi 12 lite” русумли телефон аппаратини, Хасанова Асадилло номига 2022 йил 28 августда нархи 7.411.500 сўмлик “Xiaomi 11T”, нархи 4.036.500 сўмлик “Galaxy A23” ва нархи 3.496.500 сўмлик “Galaxy A13” русумли телефон аппаратларини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақидаги шартнома расмийлаштириб берганлигини билгани, ушбу телефонларни Фарғона шаҳрида ўзига нотаниш бўлган шахсларга сотиб, пулларини ишлатиб юборгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини ва оилвий шароитини инobatга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров, Т.Одилов ва С.Кучқоровнинг айблари суддаги кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

жабрланувчи Р.Рахматовнинг судда, “Iman Halal Investments” МЧЖ таъсисчилигида “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШни ташкил қилгани, А.Хамидовни 2021 йилдан буён танишини, у 2022 йилда “Iman Halal Investments” МЧЖнинг ривожланиш бўйича директори сифатида ишлагани, жамият “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг бошқарувчи органи бўлгани, А.Хамидов ширкатнинг молиявий ишларини бошқаргани, Н.Халилдинов бош ҳисобчи, А.Ғуломқодиров эса унга ёрдамчи ҳисобчи бўлгани, ширкат насия савдо билан шуғуллангани, А.Хамидов ва Н.Халилдиновларга тегишли бўлган “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасида 2022 йил 29 апрелда ҳамкорлик тўғрисидаги 175-сонли шартнома имзолангани, шартномага асосан “Of Course” МЧЖ томонидан харидорларга муддатли тўловга сотилган маҳсулотларнинг тўлиқ пулларини ширкат олдиндан ўтказиб бериши, харидорлар эса шартномага кўра сотиб олган маҳсулотларининг муддатли тўловларини ширкатга тўлаб бериши белгилангани, “Of Course” МЧЖ томонидан савдолар ширкат томонидан ишлаб чиқилган “Iman Pos” ва “Iman Pay” номли дастурларда олиб борилгани, А.Хамидов ва Н.Халилдиновга тегишли “Of Course” МЧЖ “Iman Pos” ва “Iman Pay” дастурларидаги камчиликларидан фойдаланиб, бир нечта ҳолатда аслида маҳсулот сотиб олмаган фуқароларнинг номига маҳсулот сотиб олинганлиги ҳақида қалбаки шартномалар расмийлаштиргани, шартномаларда кўрсатилган телефон аппаратлари эса улар томонидан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган ва бунинг натижасида “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШга жуда кўп миқдорда зарар етказилгани, терговда ўтказилган тафтишда А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров ва “Of Course” МЧЖ раҳбари Т.Одилов унинг рухсати ва хабарисиз ширкат ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖга ҳали сотилмаган маҳсулотлар учун олдиндан тўлов сифатида асоссиз равишда 3.127.300.800 сўм пул маблағларини ўтказиб олганлиги аниқлангани, ўзлари ҳам 2023 йил январь ойида аудит текшируви ўтказганида, уни рухсатини олмасдан А.Хамидов, Н.Халилдинов ва



А.Ғуломқодиров ширкатнинг 2.600.000.000 сўм пулларни ўзларига тегишли “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида ўтказиб олгани, жамият томонидан 300 га яқин шартномалар қалбакилаштирилгани, қалбаки шартномалар эвазига улардан “Of Course” МЧЖга 1.700.000.000 сўм пуллар тўлаб берилгани, бироқ, шартномалар номига расмийлаштирилган шахслар аслида маҳсулот сотиб олмаганлиги сабабли шартнома бўйича тўлов қилмасдан келингани, уларни ширкатнинг платформасидаги заифликдан хабари бўла туриб, “Of Course” МЧЖ сотувчилари томонидан ушбу заифликдан фойдаланиб, қалбаки шартномалар расмийлаштиришга онгли равишда йўл қўйиб бергани, сабаби шартнома тузилганидан сўнг шартномага кўра сотилган товар учун тўловларни “Of Course” МЧЖга ўтказиб берилишини, жамият шартнома қалбаки бўлса ҳам, тўғри бўлса ҳам ҳар бир сотилган товар учун тўловларни улар ўтказиб бергани учун келгусида миждозлар тўлов қилмаса ҳам зарар кўрмагани, шунинг учун улар дўконларнинг сотувчилари томонидан бировнинг паспортини олиб келган шахсларга паспорт эгасининг номига насия савдо шартномасини расмийлаштирган ҳолда маҳсулотларни бериб юборавергани, 2022 йил бошида ширкатни аудит қилиш тартибини А.Хамидов ишлаб чиқиб, унга ўзининг “email” почтаси орқали юборгани, ушбу ҳужжат бўйича ундан 10.000.000 сўмдан ортиқ олдиндан тўловлар учун ундан рухсат олиниши керак бўлгани, лекин “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида пуллар рухсатсиз ўтказиб юборилгани, улар хусусий ташкилот бўлганлиги учун бу бўйича буйруқ қилинмагани, яъни бу бўйича буйруқ қилишлари шарт эмаслигини, лекин бу бўйича “Zoom” платформасида у, А.Хамидов ва ходими Бобур иштирокида йиғилиш бўлгани, йиғилишда улар ушбу ҳужжатни тасдиқлаб, шу бўйича ишлашга келишиб олишгани, А.Хамидов ширкатнинг молиявий назоратини амалга оширгани, яъни у ширкатнинг бош ҳисобчиси Н.Халилдиновни раҳбари бўлгани, олдиндан ўтказилган пуллар сотув бўлими томонидан белгилаб берилган бўлса-да, бироқ Н.Халилдинов ва А.Хамидов бошқа фирмаларга чиқарилиши керак бўлган пулларни “Of Course” МЧЖга ўтказишгани, молиявий транзакцияда эса ушбу жамиятнинг ўрнига бошқа фирмаларнинг номини ёзишгани, бундан ташқари, улар жамиятига олдиндан тўлов сифатида пул ўтказиш белгиланмаган ҳолатларда ҳам пулларни ўтказиб юборишгани, қонун бўйича тўлиқ шериклар бир киши ёки бир нечта киши бўлиши мумкинлигини, ширкатнинг тўлиқ шерик сифатида “Iman Halal Investments” МЧЖни киритгани, “Of Course” МЧЖ билан тузилган шартномада олдиндан тўлов сифатида пулларни ўтказиш белгиланмагани, шартнома алоҳида тизим, олдиндан пулни ўтказиш алоҳида тизим ҳисобланишини, олдиндан пулни ўтказиш тартиби шунинг учун ишлаб чиқилгани, А.Хамидов олдинги кўрсатувларида Таслимага “Of Course” МЧЖни ўзига тегишли эканлигини айтмасдан, уни бир нечта дўконлари борлигини, маъқул топса у билан шартнома тузиш кераклигини айтгани, Н.Халилдинов ширкатнинг бош ҳисобчиси бўлганидан фойдаланган ҳолда икки усулда олдиндан тўловни ўтказгани, яъни биринчиси сотув бўлими томонидан белгилаб берилган бўлса-да, бироқ улар бошқа фирмаларга



чиқарилиши керак бўлган пулларни “Of Course” МЧЖга ўтказишгани, транзакцияда эса “Of Course” МЧЖнинг ўрнига бошқа фирмаларнинг номини ёзишгани, иккинчиси улар “Of Course” МЧЖга олдиндан тўлов сифатида пул ўтказиш белгиланмаган ҳолатларда ҳам пулларни ўтказиб юборишгани, сабаби улар бундан манфаатдор бўлишгани, бундан ташқари, Н.Халилдинов ширкатда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган вақтида шартнома бўйича унга 22.000.000 сўм ойлик иш ҳақи белгилангани, бироқ, ўзига 2022 йилнинг январь ойи учун 72.030.973 сўм, февраль ойи учун 32.613.500 сўм, март ойи учун 64.192.498 сўм, апрель ойи учун 68.486.199 сўм, май ойи учун 61.190.593 сўм, июнь ойи учун 59.103.380 сўм, июль ойи учун 78.018.485 сўм, август ойи учун 44.860.000 сўм, сентябрь ойи учун 53.529.326 сўм, октябрь ойи учун 12.571.428 сўм, ноябрь ва декабрь ойлари учун 22.000.000 сўмдан ойлик иш ҳақи ёзиб, пулларни пластик картасига тушириб олганлиги аниқлангани, ишхонада ўрнатилган тартиб бўйича пул ўтказиш йўли билан хусусий тадбиркорлардан сотиб олишнинг имкони бўлмагани, харажатлар, яъни ноутбук сотиб олиш, ходимларнинг махсус кийими бўлган ходим, техникалар ва уларнинг аксессуарлар, шунингдек уларга маркетинг учун видеоларни олишга чақиртирилган камераларни олиб келиш йўл харажатлари учун Н.Халилдиновга қўшимча ойлик ёзиб, қўшимча ойликни шу харажатларга сарфлашига рухсат бергани, сабаби бу каби харажатларга пул ўтказиш йўли билан тўлов қилиб бўлмаслигини, бу хизматларни одатда ЯТТлар бажарганлиги сабабли улар тўловни нақд шаклда олишгани, шунинг учун уни ўзи бу каби харажатлар нақд пул тўлаш учун Н.Халилдиновга асосли харажатларга тўлаш учун қўшимча ойлик ёзишга рухсат бергани, лекин унга тушириб берилган ойлик иш ҳақи таҳлил қилинганида, 2022 йил январь ойидан декабрь ойига қадар 590.596.382,56 сўм ойлик иш ҳақини ўзига тушириб олгани, бу уни белгиланган ойлик иш ҳақидан анча кўп экани, шунда ундан нима сабабдан бунча кўп ойлик ёзиб олганини сўраганида, у ўзига тушириб олган ойлик иш ҳақини тақсимотини қилиб бергани, тақсимотига кўра ойлик иш ҳақи сифатида унга тушган пулларнинг 230.484.940,96 сўмини ширкатнинг турли харажатларига ишлатгани, қолган 286.306.235,33 сўми соф ойлик иш ҳақи бўлгани, шунда 73.805.206 сўм тафовут келиб чиққани, ундан нима учун кўп ойлик ёзиб олганини сўраганида, у ортиқча ёзилган ойликни “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб бўлса ҳам қайтаришини айтгани, ушбу кўрсатувларини тасдиқлаш мақсадида Н.Халилдиновга тушириб берилган ойлик иш ҳақини банкдан олинган маълумотини тақдим қилгани, ҳозирда “Of Course” МЧЖ томонидан олдиндан тўлов сифатида ўтказиб олинган пул маблағлари ширкат ҳисоб рақамига қайтарилгани, Н.Халилдинов ва А.Хамидов фуқароларни номига расмийлаштирилган қалбаки шартномалар бўйича прокуратура депозит ҳисоб рақамига тўлагани, шу сабабли пул маблағларини ширкат ҳисоб рақамга ўтказиб беришни ва судланувчиларга қонунда белгиланган тартибда чора кўришни сўрашлиги;

жабрланувчи А.Хасановнинг судда, 2022 йилда С.Қучқоров билан танишиб қолгани, ўша вақтда у уни ишга олиб кириб қўйишини айтиб, паспортини расмга олиб ташлаб беришини сўрагани, шунда рози бўлиб,



телеграмдан паспортининг расмини ташлаб бергани, сўнг С.Қучқоров уни ишга олиб кириб қўйгани, орадан бир йил вақт ўтиб, уни пластик картасидан 200.000 сўмдан ошиқ пул ечиб олингани, банкдан сабабини суриштирганида, банк ходимлари пластик картасидан пул маблағлари “Iman Halal” номли фирма томонидан кредит қарздорлиги эвазига ечиб олинганини айтгани, кейин кредит олмаганлиги учун “Iman Halal” номли фирмани суриштириб топиб, улардан бу ҳақида сўраганида, улар номига насия савдо шартномаси орқали 2022 йил 28 августда 7.411.500 сўмлик “Xiaomi 11T”, нархи 4.036.500 сўмлик “Galaxy A23” ва нархи 3.496.500 сўмлик “Galaxy A13” русумли телефон аппаратлари сотиб олинганини айтгани, уларга телефонларни сотиб олмаганлигини айтганида, кимдир номига ушбу маҳсулотларни сотиб олган бўлиши мумкинлигини айтиб, С.Қучқоровни расмини кўрсатгани, шунда С.Қучқоровни расмидан таниб олгани, расмда у учта телефон кўтариб тургани, кейин С.Қучқоров билан бу ҳақида гаплашганида, у чиндан ҳам компьютер техникаси орқали шу ишни қилгани, тез орада барча кредит тўловларини тўлиқ тўлаб, қарзини узиб юборишини айтгани, бироқ у кредитни тўламагани, судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров ва Т.Одиловни танимаслигини, пластик картасидан ушлаб қолинган пулларни ундиришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Б.Олимжановнинг судда, 2023 йил декабрь ва 2024 йил январь ойларида банк пластик картасига ойлик иш ҳақи тушганида тахминан 2.000.000 сўмдан ошиқ пул номидаги кредит учун “Iman Halal” номли ташкилот томонидан ечиб олинганлиги ҳақида хабар келгани, шунда “Iman Halal” ташкилоти ва бошқа жойдан ҳам кредитга нарса сотиб олмаганлиги учун “Iman Halal” ташкилотининг ходимлари билан боғланиб, уларга номидан кредит тўловлари учун “Iman Halal” ташкилотидан пул маблағлари ечилганлигини, ҳеч қандай кредитга нарса сотиб олмаганлигини айтганида, улар бу бўйича жиноят иши қўзғатилганлигини, ҳолат бўйича мурожаат қилишини маълум қилгани, кейинчалик терговда “Of Course” МЧЖга қарашли дўкондан сотувчи Д.Жумабоева томонидан номига 2022 йил 25 августда нархи 3.901.500 сўмлик “Redmi Note 10” ва нархи 3.240.000 сўмлик “Redmi Note 10S” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олинганлиги ҳақида шартномалар расмийлаштирилганлигини билгани, аслида ҳеч кимга насия савдога телефон аппаратлари олиб бермагани, ҳеч кимга онлайн тартибда дастурдан рўйхатдан ўтиб бермагани, шартномага имзо қўймагани, сотувчи Д.Жумабоева, судланувчиларни танимаслигини, пластик картасидан ушлаб қолинган пулларни ундиришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Д.Хасановнинг судда, 2023 йил куз ойларида Қувасой шаҳар Мажбурий ижро бюросидан номида бўлган қарздорликни тўлаши ҳақида огоҳлантириш хати келгани, хатда насия савдо асосида сотиб олинган телефонини пулларни тўламаса, ундирув пенсияга қаратилиши ёзилган бўлгани, номида ҳеч қандай қарздорлик мавжуд эмаслиги сабабли ушбу тушунмовчиликни ҳал этиш учун Қувасой шаҳар пенсия жамғармасига



боргани, жамғарма ходимлари ушбу ҳолатни Мажбурий ижро бўлимида сўраб аниқлик киритишини тушунтиргани, кейин Қувасой шаҳар Мажбурий ижро бўлимига борганида, ходимлар текшириб кўриб, 2022 йил 3 август куни номига 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон сотиб олинганини, ҳужжатлардаги имзо унга тегишли эмаслигини, аммо паспорт нусхасини ҳужжатларда мавжуд эканлигини билгани, кейин ҳолат юзасидан оила-аъзолари ва танишларидан суриштириб кўргани, аммо уларнинг бирортаси номига телефон олмаганини айтгани, аслида сотиб олмаган телефони учун пенсиясидан 5.000.000 сўмга яқин пул ушлаб қолингани, терговда сотувчи Г.Рўзиматова томонидан номига 2022 йил 3 август куни 4.522.500 сўмлик “Xonor X8” русумли телефон сотиб олинганлиги ҳақида шартнома расмийлаштирилганлигини билгани, сотувчи қиз ва бошқа судланувчиларни танимаслигини, телефон аппаратини ойлик тўловларини ўзи тўлашга мажбур бўлгани, ҳозирда сотиб олмаган телефони учун пенсиясидан 5.000.000 сўм ушланиб, қарздорликни бартараф қилгани, шу сабабли номига рухсатсиз насия савдога телефон сотиб олган шахсдан ушлаб қолинган пулларни қайтарилишида ёрдам беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Ф.Адиловнинг судда, 2023 йил сентябрь ойларида пластик картасидан 208.000 сўм пул ечиб олингани, сўнг нима сабабдан пул ечиб олинганини билиш мақсадида “Универсал банк”нинг Фарғона шаҳар филиалига борганида, банк ходимлари пластик картасидан пуллар “Iman Halal” номли ташкилот томонидан ечиб олинганини, “Албатта” номли дўкондан кредитга телефон сотиб олганини, шу кредитни ўз вақтида тўламагани учун картасидан пуллар ечиб олинганини айтиб, “Iman Halal” ташкилотининг телефон рақамини бергани, кейин улар билан гаплашиб, “Албатта” номли дўконни топиб бориб, дўкон раҳбари билан гаплашганида, унга 4.725.000 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга Дилшода исмли сотувчи қиз номига насия савдо шартномасини расмийлаштирганини айтгани, кейин Дилшодадан нима сабабдан номига насия савдо шартномасини расмийлаштирганини сўраганида, у раҳбарлари мижоз олиб келган паспорт нусхасига ҳам шартнома расмийлаштириб бериши мумкинлигини айтганлиги сабабли уни پاسпорти нусхасини олиб келган шахсга телефон аппаратини номига шартнома расмийлаштириб берганини айтгани, ундан پاسпорти нусхасини ким олиб келганлигини сўраганида, “Равшан” исмли йигит олиб келганлигини айтиб, телефон аппаратини қабул қилиб олган пайтидаги фотосуратини кўрсатгани, кейин Равшанни уйини топиб бориб гаплашганида, номига расмийлаштирилган шартномадаги телефон аппаратини олмаганини, پاسпорти нусхасини Дилшодага олиб бориб бермаганини айтгани, сўнг ҳолат бўйича фуқаролик судига ариза берганида, Миробод тумани фуқаролик суди номига расмийлаштирилган шартномани бекор қилиб бергани, суд томонидан судга бериш учун қилган ҳаражатлари учун 3.000.000 сўм зарар ундириб берилгани, лекин унга ким томонидан 3.000.000 сўм зарар қопланганлигини билмаслигини, судланувчиларни танимаслигини, ҳозирда зарар бўйича



даъвоси йўқлигини, пластик картасидан ушлаб қолинган 208.000 сўм пулдан воз кечишлиги;

жабрланувчи С.Мирзарахимовнинг судда, 2022 йилда “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ёки “Of Course” МЧЖга тегишли дўконлардан насия савдо эвазига маҳсулот сотиб олмагани, ушбу дўконларга бормагани, 2021 йил бошида Россия Федерациясига ишлаш учун кетиб, 2022 йил май ойида 3 кун муддатга Ўзбекистонга келиб кетгани, биронта шахсга номига насия савдога ноутбук сотиб олиб бермагани ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳам тақдим қилмагани, терговда номига 2022 йил 20 сентябрь куни нархи 16.014.873 сўмлик “Asus” русумли ноутбукни муддатли тўловга сотиб олинганлиги ҳақида насия савдо шартномаси расмийлаштирилганлигини билгани, Россияда бўлган вақтида МИБдан уйига кредит қарздорлиги тўғрисида хат келгани, оила аъзолари ундан бу ҳақида сўраганида, ҳеч қандай кредит расмийлаштирмаганлигини айтгани, кейинчалик билишча ўртоқлари Умархон ва Муҳаммадали номига нархи 16.014.873 сўмлик “Asus” русумли ноутбукни муддатли тўловга сотиб олганлигини билгани, улар номидаги кредит қарздорлигини бартараф қилишларини айтгани, лекин кредит қарздорлигини тўламагани, ўзи ҳам кредит қарздорлигини тўламагани ва пластик картасидан ҳам пул ечиб олинмагани, судланувчиларни умуман танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи О.Алимовнинг судда, МИБ ходимлари унга алоқага чиқиб, “Iman Halal” номли кредит ташкилотидан 2022 йилда 4.522.500 сўмлик “Хонор Х8” русумли телефон аппаратини сотиб олганини ва ҳозирга қадар кредит тўловларини тўламай келаётганини айтгани, уларга ҳеч қардан кредитга телефон аппарати сотиб олмаганини билдиргани, сўнг МИБ ходимлари унга “Iman Halal” номли кредит ташкилотининг телефон рақамини бергани, ўша ташкилотга телефон қилиб боғланганида, улар бунга аниқлик киритиб, қайта алоқага чиқишларини айтгани, лекин улар қайта алоқага чиқмагани, сўнг МИБ ходимлари унга “Iman Halal” ташкилоти ундан кредит тўловларини ундириш бўйича суд буйруғини чиқартирганини, агар кредитни олмаган бўлса, ушбу буйруқ устидан апелляция шикоятини бериб, уни бекор қилдириши кераклигини айтгани, сўнг ўзи ушбу ҳолат бўйича фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси бўйича суд буйруғи бекор қилингани, шу кунга қадар пластик картасидан 750.000 сўмга яқин пул ушлаб қолингани, шу сабабли ушлаб қолинган пулларни ундириб беришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Г.Ахмедованинг судда, Мажбурий ижро бюроси ходими уйига келиб, Фарғона шаҳридаги савдо дўконидан номига насия савдога 2022 йил 23 августда нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппарати сотиб олинганини айтиб, пулларни “Iman Halal” МЧЖ ҳисоб рақамига тўлаб беришини тушунтиргани, шунда уларга телефон аппаратини насия савдога сотиб олмаганини, бу ҳақида ҳеч қандай шартнома тузмаганини билдиргани, аслида ҳам ҳеч қардан насия савдога телефон аппарати сотиб



олмагани, шунда улар кимдир номига насия савдо расмийлаштириб, телефон аппарати олганлигини айтгани, “Of Course” МЧЖга тегишли дўкондан “Galaxy A33” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг дастуридан фойдаланган ҳолда номига насия савдо шартномасини расмийлаштирмагани, ушбу шартнома қалбаки эканлигини, насия савдо шартномаси тузмагани, телефон аппарати сотиб олмагани, ҳеч кимга ҳам олиб бермагани, судланувчиларни танимаслигини, шу кунга қадар пластик картасидан 2.000.000 сўмдан ошиқ пуллар ушлаб қолингани, шу сабабли картасидан ушлаб қолинган пулларни ундиришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Г.Азаматованинг судда, 5-6 ой олдин уйига нотаниш бўлган кредит ташкилотидан уни ва қизи Д.Ҳабировани номига қарздорлиги ҳақида хат келгани, ушбу хатда уларни Тошкент шаҳридаги фирмдан кредитга телефон аппарати сотиб олганлиги, лекин ушбу телефон аппаратининг тўловларини тўламай келаётганлиги ёзилгани, ўзи ва қизи ҳеч қаердан кредитга телефон аппарати сотиб олмаганлиги учун ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида ИИБ профилактика инспекторига мурожаат қилгани, у ушбу хатни кўриб, унда ёзилган телефон рақамига бир неча маротаба телефон қилганида улар билан боғланиб бўлмагани, кейин бу ҳақида бошқа суриштирмагани, ҳозирга қадар пластик картасидан икки марта 200.000 сўмдан 400.000 сўм пул ечиб олингани, қизи Д.Ҳабирова ҳозирда Россияга ишлаш учун кетгани, Россияга кетмасидан олдин у билан бирга бу ишни охирига етишга ҳаракат қилиб ИИБга ариза бергани, тергов жараёнида қизи Д.Ҳабированинг номига 2022 йил 15 августда нархи 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппарати, ўзини номига эса 2022 йил 17 августда нархи 7.020.000 сўмлик “Galaxy A53” русумли телефон аппарати сотиб олинганлиги ҳақида насия савдо шартномаси расмийлаштирилганини билгани, лекин уни ким олганлигини билмаслигини, судланувчиларни танимаслигини, шу кунга қадар пластик картасидан 400.000 сўм пул ушлаб қолингани, шу сабабли ушбу пулни ундиришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Ш.Позиловнинг судда, ҳақиқатдан ҳам Ш.Тўлқинов фарзанди бўлиб, 2024 йилнинг июль ойида ишлаш мақсадида Россия давлатига кетгани, 2024 йил 22 октябрь куни уйига ўзларини “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” фирмасидан бир неча шахслар келиб, 2022 йилнинг бошида ўғли Ш.Тўлқиновнинг номига бир дона телефон аппарати муддатли тўловга расмийлаштирилганлигини, ушбу телефон аппаратининг ойлик тўловлари шу вақтгача пенялари билан 12.352.500 сўм бўлганлигини айтгани, сўнг бу бўйича ўғли Ш.Тўлқинов билан гаплашганида, у ҳеч қандай муддатли тўловга телефон аппарати олмаганлигини айтгани, кейин улар бу бўйича ушбу фирма ходимларига айтганида, улар ИИБ мурожаат қилишини билдиргани, ўғли бирор танишига насия савдо орқали телефон аппарати олиб бермагани, тергов жараёнида кимдир ўғлини номига 2022 йил 28 сентябрда нархи 12.352.500 сўмлик “Xiaomi 12” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо



шартномасини расмийлаштириб, ўзи шартномани имзолаган ҳолда телефон аппаратини сотиб олганлигини билгани, судланувчиларни танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи О.Холматовнинг судда, 2023 йилда уйига кредит ташкилот номидан хат келгани, унда кредитга телефон аппарати сотиб олгани, бироқ ушбу телефон аппаратининг ойлик кредит тўловларини тўламагани сабабли қарздорлик вужудга келгани ҳақида ёзилгани, лекин ҳозирда ўша хатда айнан қачон, қаердан ва қандай русумдаги телефон аппарати сотиб олгани ҳақида ёзилганини билмаслигини, ҳеч қаердан кредитга телефон аппарати сотиб олмагани, сўнг яна бир неча марта унга телефон қилишгани, уларни ташкилотини исмини ҳам билмаслигини, лекин улар унга кредитдан қарздорлиги ҳақида айтишгани, сўнг кимдир уни номига кредитга телефон сотиб олганини билгани, лекин бирорта танишига номига насияга телефон сотиб олиб бермагани, ўзи ҳам насия савдога телефон сотиб олмагани, бировга фойдаланиш учун паспорти ва пластик картасини бермагани, тергов жараёнида номига 2022 йил 14 августда нархи 3.888.000 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини муддатли тўловга сотиб олганлиги ҳақида насия савдо шартномасини расмийлаштириб, ўзлари шартномани имзолаган ҳолда қалбакилаштириб, телефон аппаратини сотиб олганлигини билгани, ҳозирга қадар пластик картасидан кредит қарздорлиги эвазига ҳеч қандай пул ечиб олинмагани, судланувчиларни танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи У.Судуровнинг судда, 2022 йилда маҳаллада яшовчи ўртоғи Омонбоев Умиджон ундан паспортини расмини бериб туришини, таниши пул жўнатганлигини, шу пулни банкдан доллар қилиб олиш учун паспорт кераклигини, паспортдан шу мақсадда фойдаланишини айтгани, унга ишонгани учун рози бўлиб, паспортини расмини ташлаб бергани, сўнг орадан бир ой вақт ўтиб, унга нотаниш рақамдан телефон қилиб, кредитга сотиб олган телефон аппаратининг ойлик тўловларини тўлашини айтгани, шунда уларга кредитга телефон олмаганини билдирганида, улар номида кредитга “Redmi Note 11” русумли телефон аппарати сотиб олинганлигини, тўловларини тўлаши кераклигини айтгани, сўнг Умиджонни уйига бориб гаплашганида, у номига Фарғона шаҳридаги дўкондан кредитга телефон сотиб олганини, тўловларини тўлиқ тўлаб беришини айтгани, сўнг кредит учун бир марта пластик картасидан 500.000 сўм пул ечиб олингани, пластик картасидан ечиб олинган 500.000 сўм пулни ўртоғи У.Омонбоев унга бергани, бироқ кейинчалик кредитнинг қолган тўловларини тўламагани, номига 2022 йил 20 август куни нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппарати сотиб олинганлиги ҳақида насия савдо шартномаси тузмагани, ушбу шартномани ўртоғи Умиджон тузгани, шартномадаги имзолар унга тегишли эмаслигини, шартномада кўрсатилган телефон аппаратини ҳам олмагани, бундан кейинчалик хабар топгани, судланувчиларни танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи С.Носировнинг судда, 2023 йилда Фарғона шаҳрига “Iman Halal” фирмасини ходими деб таништирган шахслар чақириб, дўконларидан



номига 2022 йил 28 июлда нархи 6.048.000 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппарати насия савдога расмийлаштириб олинганини айтгани, уларга ушбу телефон аппаратини насия савдога сотиб олмаганини, бу ҳақида ҳеч қандай шартнома ҳам тузмаганини билдиргани, аслида ҳам ҳеч қардан насия савдога телефон аппарати сотиб олмагани, шунда улар кимдир номига насия савдо расмийлаштириб, телефон аппарати олганлигини айтгани, ундан ушбу насия шартномаси учун бирор марта пул ҳам ундирилмагани, “Of Course” номли МЧЖга тегишли дўкондан “Galaxy A33” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг дастуридан фойдаланган ҳолда номига насия савдо шартномасини расмийлаштирамагани, ушбу шартнома қалбаки экани, ҳеч қачон насия савдо шартномаси тузиб, телефон аппарати сотиб олмагани, ҳеч кимга ҳам олиб бермагани, судланувчиларни танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Ф.Болибекованинг судда, 2017 йилда Туркия давлатига кетиб, 2024 йил бошларида қайтиб келгани, сўнг янги абонент рақами олиб ишлатишни бошлаганида, Мажбурий ижро бюросидан қўнғироқ қилиб, тўланмаган қарздорлиги борлигини, тўлаб қўйишини айтгани, шунда улардан қарздорлик ҳақида сўраганида, 2022 йилда Фарғона шаҳридаги савдо дўконларидан биридан номига муддатли тўловга телефон аппарати сотиб олинганлигини билгани, ушбу ҳолатдан ҳайрон бўлиб, қариндош уруғлари, оила-аъзоларидан номига муддатли тўловга бирор нарса сотиб олган-олмаганлигини сўраганида, улар ҳеч қандай маҳсулот олмаганликларини айтгани, сўнг ушбу ҳолат ҳақида ИИБга мурожаат қилгани, орада пластик картасидан ҳақдор фирма томонидан 500.000 сўм пуллар ечиб олингани, “Of Course” МЧЖ ҳақида эшитмагани, ушбу МЧЖнинг савдо дўконларидан 2022 йил 13 августда нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” ва нархи 4.567.500 сўмлик “Redmi Note 11S” русумли телефон аппаратларини муддатли тўловга сотиб олмагани ва насия савдо шартномаларини расмийлаштирамагани ёки бирорта танишига олиб бермагани, бу вақтда Туркия давлатида бўлгани, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредит олмоқчи бўлиб банкка борганида, банк ходимлари кредит чиқмаслигини қора рўйхатга тушиб қолганлигини айтишгани, шу сабабли айбдор шахслардан пластик картасидан ечиб олинган 500.000 сўм моддий, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун банкдан кредит ололмаганлиги сабабли 100.000.000 сўм маънавий зарарлар ундириб беришни ва суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Х.Абдуқодировнинг судда, 2022 йил ноябрь ойида ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинганлиги сабабли суриштирганида, Мажбурий ижро бюроси ходими унга Фарғона шаҳридаги савдо дўконидан номига насия савдога 2022 йил 22 августда 7.398.000 сўмлик “Xiaomi 11 T” русумли телефон аппарати сотиб олинганини айтиб, пулларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб “Iman Halal” МЧЖ ҳисоб рақамига тўлаб беришини тушунтиргани, шунда уларга ҳеч қардан телефон сотиб олмаганини айтганида, улар “Iman Halal” МЧЖнинг ундирув бўлимини рақамини бергани, сўнг улар унга ушбу



телефони сотишда ҳужжатларни расмийлаштирган сотувчи болани рақамини бергани, кейин ўша бола билан суҳбатлашиб, ундан қачон телефон сотиб олганини сўраганида, у йигит уни номидан кимдир ҳужжатларни тақдим этган ҳолда телефонни насияга сотиб олиб кетган бўлиши мумкинлигини билдиргани, унга “сиз сотувчи бўлиб, қандай бошқа шахсни ҳужжатларига бегона одам учун телефон сотгансиз, бу ишингиз учун жавоб берасиз, устингиздан ИИБга ариза қиламан” деб телефонини ўчиргани, бироздан кейин унга сотувчи йигитни отаси деб таништирган шахс қўнғироқ қилиб, ўғли ундан ташқари бир нечта шахсларга шу тарзда сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, телефон бериб юборганлигини, у биринчиси эмаслигини айтиб, агар хоҳласа у билан доим телефон орқали боғланиб туришини, ойлик иш ҳақидан қанча ушлаб қолинса, ўша пулларни унга ўтказиб беришини айтганида, уни гапига рози бўлгани, сўнг МИБ томонидан ҳар ойда ойлик маошидан ушлаб қолинган пулларни сотувчи йигитни отаси унга ташлаб бергани, кейинчалик уни номига “Iman Halal” МЧЖ билан телефон олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштирган шахс А.Джураев эканлигини билгани, ҳозирда унинг отаси унга етказилган зарарни ярмини қоплагани, ўзи ҳам телефон қарздорлиги учун 3.700.000 сўмга яқин пулларни тўлагани, ҳозирда телефон қарздорлиги ёпилгани, лекин ўзи тўлаган пулларни ундириб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи М.Хомидовнинг судда, 2023 йил қиш ойларида Россияга ишлаш мақсадида кетиб, 2024 йил июнь ойида қайтиб келгани, шу пайтда телефон рақамига МИБдан қарздорлиги ҳақида смс хабар келгани, кейин Қува тумани МИБга бориб, ушбу қарздорлик қаердан вужудга келганлигини сўраганида, ходимлар 2022 йил 22 августда “Iman Halal” номли фирмдан кредитга “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини сотиб олганлиги, ушбу телефон аппаратининг ойлик тўловларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли қарздорлик вужудга келганлигини айтгани, уларга кредитга телефон аппарати сотиб олмаганини билдиргани, кейин эса “Iman Halal” фирмаси билан боғланганида, улар Фарғонадаги дўкон томонидан бир қанча ҳолатда қалбаки шартномалар тузилганлигини, агар телефон сотиб олмаган бўлса, судга мурожаат қилиши кераклигини айтгани, шундан буён ушбу муаммо ҳал бўлмай келаётгани, терговда “Of Course” номли МЧЖга тегишли дўкондан 2022 йил 22 августда нархи 6.952.500 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Товаришество” КШнинг дастуридан фойдаланиб номига насия савдо шартномаси расмийлаштирилганлигини билгани, ушбу шартнома қалбаки экани, насия савдо шартномаси тузиб, телефон аппарати сотиб олмагани, ҳеч кимга ҳам насия савдога телефон аппарати олиб бермагани, судланувчиларни танимаслигини, шу кунга қадар пластик картасидан 491.765 сўм пул ушлаб қолингани, шу сабабли ушбу пулларни ундиришни ва кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи Д.Миллажонованинг судда, 2023 йил февраль ойида номига “Iman Halal” номли ташкилотдан насия савдога сотиб олган телефон аппаратининг тўловларини тўламагани, улардан қарздорлиги ҳақида хат



келгани, шунда ҳеч қаердан ҳеч қандай телефон аппарати сотиб олмагани учун ҳайрон бўлиб, ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида Фарғона шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, уларга бўлиб ўтган ҳолатни айтгани, сўнг номига кимдир насия савдога шартнома асосида “Iman Halal” номли ташкилотнинг дўконидан “Galaxy A33” русумли телефон аппарати сотиб олганлигини билгани, кейин ушбу шартномани расмийлаштирган дўкон сотувчиси Гулноза исмли қизга телефон аппаратини сотиб олиш учун дўконига келмаганини айтиб, шартномани қандай расмийлаштирганини сўраганида, у унга паспорт нусхасини кимдир олиб келиб берганини, шунда паспорт нусхасига шартнома расмийлаштириб берганини, паспорт нусхасини олиб келган шахс шартномага қўл қўйиб, унда кўрсатилган телефон аппаратини олиб кетганини, бундай ҳолатлар кўп бўлганлиги сабабли ҳозирда паспорт нусхасини ким олиб келганлигини аниқ эслай олмаслигини, ўзи ушбу кредит тўловларини тўлаб ёпиб беришини айтгани, бироқ шу кунга қадар тўламагани, “Of Course” номли МЧЖга тегишли дўкондан 2022 йил 18 августда нархи 7.425.000 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг дастуридан фойдаланиб номига насия савдо шартномасини расмийлаштирган ҳолда сотилгани аниқлангани, ушбу шартнома қалбаки экани, насия савдо шартномаси тузмагани ва телефон аппарати сотиб олмагани, “Of Course” номли МЧЖга тегишли дўконнинг Гулноза исмли сотувчиси паспорт нусхасини олиб келиб берган одамга номига шартнома расмийлаштириб, имзосини қалбакилаштириб, телефонни бериб юборган экани, судланувчиларни танимаслигини, шу кунга қадар пластик картасидан 1.900.000 сўм пул ушлаб қолингани, шу сабабли ушбу пулни ундиришни ва кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи М.Абдуғаниевнинг судда, Омонбоев Умиджон қаердандир паспорти нусхасини олиб, уни номига 2022 йил 21 августда Фарғона шаҳридаги Польша бозори ичида жойлашган “Албатта” савдо дўконидан муддатли тўлов асосида 6.142.500 сўмга “Galaxy A33” русумли телефон аппаратини харид қилган экани, бундан хабари бўлмагани, бу ҳақида 2023 йилда номига Боғдод тумани ижро бўлимига қарздорлик келганида билгани, кейин ўша дўкондан суриштириб, номидан расмийлаштирилган кредит шартномасида ёзилган телефон рақамига қўнғироқ қилганида ишламагани, кейин ушбу рақамни суриштирганида У.Омонбоевни номида эканлигини билгани, кейин уни топиб гаплашганида, қарздорликни тўлаб қўйишини айтгани, лекин шу кунга қадар қарздорликни бартараф этмагани, 2022 йилда “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШ ёки “Of Course” МЧЖга тегишли дўконлардан насия савдо эвазига маҳсулот сотиб олмагани ва шартномани имзоламагани, терговда “Of Course” МЧЖга тегишли дўкондан 2022 йил 21 августда нархи 6.142.500 сўмлик “Galaxy A33” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг дастуридан фойдаланиб, номига насия савдо шартномаси расмийлаштирилганлигини билгани, шартнома қалбаки эканлигини, насия савдо шартномаси тузиб, телефон аппарати сотиб олмагани, ҳеч кимга ҳам насия савдога телефон аппарати олиб бермагани,



судланувчиларни танимаслигини, шу кунга қадар пластик картасидан 600.000 сўмдан ошиқ пул ушлаб қолингани, шу сабабли ушбу сўм пулни ундиришни ва кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

жабрланувчи М.Бабаджанованинг судда, 2024 йил 18 сентябрь куни Фарғона вилояти ИИБ ходимлари чақириб, номига “Of Course” номли МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ онлайн тартибда 2022 йил 18 август 7.425.000 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппаратини насия савдога шартнома расмийлаштириб сотиб олганини айтганида, уларга ҳеч қаердан насия савдога телефон аппарати сотиб олмаганини, танишларига ҳам номига телефон аппарати олиб бермаганини билдиргани, шунда номига кимдир қалбаки шартнома расмийлаштириб, телефон сотиб олганлигини билгани, лекин ўша вақтга қадар ҳеч ким ундан кредит тўловларини сўрамагани, пластик картасидан пул ечиб олинмагани, терговда “Of Course” номли МЧЖга тегишли дўкондан 2022 йил 18 августда нархи 7.425.000 сўмлик “Xiaomi 12 Lite” русумли телефон аппарати “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг дастуридан фойдаланиб номига насия савдо шартномаси расмийлаштирган ҳолда сотилганлигини билгани, ушбу шартнома қалбаки экани, ҳеч қачон насия савдо шартномаси тузиб, телефон аппарати сотиб олмагани, ушбу шартномани ким қандай қилиб тузганини билмаслигини, ҳеч кимга насия савдо эвазига телефон аппарати олиб бермагани, судланувчиларни танимаслигини, суддан кредит қарздорлигини бартараф этиб беришни сўрашлиги;

гувоҳ Х.Ғофуровнинг судда, Фарғона вилоят Солиқ бошқармасида бош инспектор бўлиб ишлашини, 2022 йил август ойидан буён ишлаб келишини, Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси терговчисининг қарорига асосан “Ипак йўли” банк Фарғона филиали бош мутахассиси Ш.Тиллабоев билан Фарғона шаҳридан давлат рўйхатидан ўтган “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасидаги молиявий фаолияти бўйича ҳужжатли тафтиш ўтказгани, тафтиш бошланишидан аввал “Of Course” МЧЖнинг раҳбари Т.Одиловга тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар таништирилгани, жамият мансабдор шахслари томонидан жамият таъсис ва молиявий фаолиятига алоқадор бўлган ҳужжатлари тақдим этилгани, жамиятнинг 2024 йил 10 октябрь куни ҳолатига солиқ органидаги маълумотлар базасида асосий қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳамда 59.113.100 сўм бошқа солиқ турларидан ортиқча тўлови мавжудлиги аниқлангани, ҳужжатларга асосан “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасида 2022 йил 29 апрелда 175-сонли шартнома имзоланганлиги, шартномага асосан 2022 йил 11 майдан 2023 йил 22 августга қадар 949 та электрон ҳисоб варақ-фактуралар бўлиб, уларга асосан “Of Course” МЧЖ томонидан қиймати 3.492.849.700 сўм, ҚҚС суммаси 522.876.800 сўм, умумий жами 4.015.726.400 сўмлик турли хил маиший техника маҳсулотларини ширкатга етказиб берилганлиги, жумладан, 2022 йил давомида “Of Course” МЧЖ томонидан қиймати 3.462.753.800 сўм, ҚҚС суммаси 519.413.100 сўм жами 3.982.166.900 сўмлик турли хил маиший техника маҳсулотларини “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo”



КШга етказиб берилганлиги, “Of Course” МЧЖ томонидан 2023 йил давомида қиймати 30.095.800 сўм, ҚҚС суммаси 3.463.700 сўм жами 33.559.600 сўмлик турли хил маиший техника маҳсулотларини ширкатга етказиб берилганлиги, шу даврларда ширкат ҳисоб рақамидан “Of Course” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 7.143.027.200 сўм маблағлар келиб тушганлиги, натижада “Of Course” МЧЖнинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларга нисбатан ширкатга етказиб берилган товарларига нисбатан 3.127.300.800 сўм товарлар етказиб берилмаганлиги аниқлангани, бироқ, “Of Course” МЧЖ томонидан 2022 йил 19 апрелдан 2024 йил 26 сентябрга қадар бўлган даврлар учун имзо ва муҳр қўйилмаган, тақдим этилган солиштирма далолатномага асосан текшириш кунига 42.300 сўм ширкатнинг кредитор қарздорлиги мавжудлиги кўрсатилгани, “Of Course” МЧЖ томонидан солиқ хизмати органига тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида мазкур реализация қилинган товарларга нисбатан расмийлаштирилган электрон ҳисоб варақ-фактуралар асосида ҳисоботлар шакллантирилганлиги аниқлангани, 2022 йил 1 январдан 2023 йил 12 декабрга қадар ширкат томонидан “Of Course” МЧЖга 7.143.027.200 сўм миқдорида пул маблағлари маиший техника буюмлари учун тўлов сифатида ўтказиб берилгани, шундан 3.900.000.000 сўмга яқин жамият томонидан маҳсулотлар етказиб берилгани, қолган 3.127.300.800 сўм эса ортиқча ўтказиб юборилгани;

гувоҳ Д.Жумабоевнинг судда, 2022 йил июль ойининг охирида “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳар марказида жойлашган “Ихлос” савдо маркази ичидаги дўконига сотувчи сифатида ишга киргани, опасини ўртоғи Г.Рўзиматова уни ишга таклиф қилгани, дўконнинг раҳбари Н.Халилдиновнинг суҳбатидан ўтгани ва у ишга қабул қилгани, дўконда телефон аппаратлари насия савдога сотилгани, бундан ташқари, “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳрида бир нечта дўкон филиаллари бўлгани, булардан бештаси Фарғона шаҳар марказидаги “Artel”, “Fergana Mobile”, “Sotka.uz”, “Ихлос” дўконлари ичида, Болалар стоматология шифохонаси рўпарасида жойлашгани, қолганлари Қирғули мавзесида, С.Темур кўчасида жойлашган “Флагман” номли супермаркети ичида ва Ойбек кўчасида жойлашгани, МЧЖнинг таъсисчиси Н.Халилдинов уларни бошқариб тургани, кейинроқ, 2022 йил август ойида Т.Одилов раҳбар бўлиб келгани, у ишга кирганида “Iman pos” дастурида савдо қилиб келингани, уларнинг иш жойида бир ҳафтада ёки икки ҳафтада бир Н.Халилдинов ва Т.Одилов томонидан йиғилиш бўлиб тургани, йиғилишда Н.Халилдинов уларга савдо ҳажмини кўтариш мақсадида номига телефон аппарати расмийлаштирилаётган шахснинг ўзи келмасдан унинг номидан бирорта таниш-билишлари келса ҳам уларга телефон аппаратини расмийлаштириб беришлари ҳақида айтиб ўтгани, шунингдек улар телеграм ижтимоий тармоғида гуруҳларда уларга топшириқ ёки шунга ўхшаш хабарларни етказиб тургани, яъни гуруҳда улар телефон аппарати расмийлаштирилаётган шахсларни ўзлари келмасдан уларни номидан танишлари келса ҳам телефон аппарати расмийлаштириб беришлари мумкинлиги ҳақида смс хабар ёзгани, дастлаб унга Г.Рўзиматов иш тартибини, шартнома расмийлаштиришни



ўргатгани, шунингдек у “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг насия савдо учун мўлжалланган “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар борлигини айтгани, ҳақиқатдан ҳам “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар бўлгани, Н.Халилдинов томонидан уларга савдони ошириш бўйича топшириқлар бериб келингани, жумладан у сотувчиларга йиғилиш ўтказиб, агар мижозга лимит ажратишни имкони бўлмаса, танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда насия савдо шартномасини қилиб беришлари мумкинлигини айтиб, фуқаролар ўзи келмасдан туриб, танишларининг пластик картасини ва паспорт маълумотларини ташлаб берган тақдирда ҳам уларга шартнома расмийлаштириб бериш бўйича топшириқ бергани, шунингдек уларга ҳар бир сотилган маҳсулот учун 35.000 сўмдан бонус пуллари берилгани, бу нарса уларни танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда қалбаки насия савдо шартномасини расмийлаштириб беришга ундагани, бундан ташқари, улардан телефон аппарати харид қилган шахслар ўзлари билан бошқа харидорларни олиб келган тақдирда уларга ҳам бонуслар тақдим қилингани, ҳақиқатдан ҳам С.Қучқоров олдига доимий мижоз сифатида келгани, у доимий мижоз бўлгани учун танишларининг паспортини олиб келгани, ўша вақтда у томонидан олиб келинган Хасанов Асадилло, Носиров Салимжон, Бабаджанова Манзурахон каби шахсларнинг шахсига оид ҳужжатларига телефон аппаратларини насия савдога сотиб олиш бўйича шартнома қилиб бергани, ўша шартномалардан бирига С.Қучқоров имзо қўяётганини расмга олиб қолгани, ўша расм ва унинг паспорт расмини терговга тақдим қилгани, С.Қучқоров унга ўша шахсларнинг ўзи келолмаслигини, лекин насия савдонинг ойлик тўловларини тўлаб боришини айтганлиги сабабли, ушбу шартномаларни паспорт эгалари келмаган бўлса ҳам расмийлаштириб бергани, бундан ташқари, “Равшан” исмли йигит ҳам олдига Адилов Фахриддин исмли шахснинг паспорт маълумотларини олиб келганида, унинг номига ҳам насия савдо шартномасини расмийлаштириб, шартномада кўрсатилган нарсани Равшанга бериб юборгани, А.Хасанов, С.Носиров, М.Бабаджанова, Ф.Адиловларнинг номига расмийлаштирилган шартномани расмийлаштиргани, уларни паспорт маълумотларини С.Қучқоров ва Равшан олиб келгани, қалбаки шартномаларни расмийлаштиришдан моддий манфаатдорлиги бўлмагани, фақат ҳар бир расмийлаштирган шартномаси учун 35.000 сўм бонус пули берилгани, илгари қалбаки шартномалар расмийлаштирганлиги бўйича судлангани;

гувоҳ Г.Тўхтасинованинг судда, 2022 йил август ойининг бошларида “Of Course” МЧЖнинг раҳбари Т.Одиловнинг суҳбатидан ўтиб, Олтиариқ тумани марказида жойлашган “Муддатли тўлов” номли дўконига сотувчи сифатида ишга киргани, дўконда телефон аппаратлари насия савдога сотилгани, “Of Course” МЧЖнинг фақатгина Фарғона шаҳридаги Болалар стоматология шифохонаси рўпарасида жойлашган дўкони ҳақида билгани, ушбу МЧЖнинг таъсисчиси Н.Халилдинов бўлганлигини эшитгани, лекин уларни кўпроқ Т.Одилов бошқаргани, дўконда “Iman Pay” ва “Iman Pos” каби дастурларда ишлагани, Н.Халилдиновни ёрдамчиси бўлган А.Ғуломқодиров



унга онлайн шартнома расмийлаштириш учун ишлатиладиган “Iman Pay” ва “Iman Pos” дастурларини қандай ишлаши ҳақидаги видеороликларни ташлаб, уларда ишлашни ўргатиб тургани, шунингдек сотувчи Мардонбек ҳам ушбу дастурлар ҳақида ўргатгани, “Iman Pos” дастурида “Face ID” бўлмагани, унга миқдорнинг паспорт маълумотларини ва пластик картасини юклаб, лимит олиш мумкин бўлгани, кейинчалик Фарғона шаҳридаги филиалда сотувчи бўлиб ишловчи Мардонбекдан агар миқдорга лимит ажратилмаса, унга қўшимча пластик карта киритиш орқали лимит олиш, шунингдек миқдордан бошқа шахсга тегишли пластик картани киритиб ҳам лимит олиш мумкинлигини эшитгани, кейин дўкон раҳбарлари ҳам агарда миқдорга лимит ажратилмаса савдони ошириш мақсадида қўшимча пластик карта юклаб лимит олиш мумкинлигини айтгани, кейинчалик эса “Iman Pay” дастурида ишлагани, А.Ғуломқодиров унга логин ва пароллар бергани, ҳар бир сотувчи миқдор билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролларидан фойдалангани, сўнг улар “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШнинг насия савдо учун мўлжалланган “Iman pos” дастурида ишлагани, ушбу дастурда бир қатор камчиликлар бўлгани, Т.Одилов уларга савдони ошириш бўйича топшириқлар бериб келгани, А.Ғуломқодиров сотувчиларга йиғилиш ўтказиб, агар миқдорга лимит ажратишни имкони бўлмаса, танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда насия савдо шартномасини қилиб беришлари мумкинлигини айтиб, фуқаролар ўзи келмасдан туриб, танишларининг пластик картасини ва паспорт маълумотларини ташлаб берган тақдирда ҳам уларга шартнома расмийлаштириб бериш бўйича топшириқ бергани, шунингдек сотилган маҳсулот учун 35.000 сўмдан бонус пуллари берилгани, бу ҳолатлар танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда қалбаки насия савдо шартномасини расмийлаштириб беришларига ундагани, бундан ташқари, нарсга харид қилган шахслар бошқа харидорларни олиб келган тақдирда уларга ҳам бонуслар тақдим қилингани, Марғилонлик харидор келиб, Абдуганиев Муроджон исмли фуқаронинг номидан унинг таниши эканлигини айтиб Омонбоев Умиджон, Алимов Отабек эса ўзининг таниши “Хўжа” исмли бола билан бирга келгани, Судуров Усмонали исмли фуқаронинг номидан унинг таниши эканлигини айтиб Омонбоев Умиджон, Аҳмаджонов Ҳожиакбарнинг номига эса “Азиз” исмли доимий миқдорга телефон аппаратларини насия савдога сотиб олиш бўйича шартнома қилиб бергани, улар доимий миқдор бўлганлиги учун насия шартнома расмийлаштириб бергани, улар телефон аппаратларини олиб кетгани, қалбаки шартномаларни расмийлаштиришдан моддий манфаатдорлиги бўлмагани, фақат ҳар бир расмийлаштирган шартномаси учун 35.000 сўм бонус пуллари олигани;

гувоҳ М.Ёкубовнинг судда, 2022 йил ёз ойлари бошидан йилнинг охирига қадар “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳри марказида жойлашган “Ихлос” савдо маркази ичидаги дўқонда сотувчи бўлиб ишлагани, уни А.Ғуломқодиров ишга олгани, А.Ғуломқодиров “Of Course” МЧЖнинг бухгалтериясини юритиш билан шуғуллангани, дўқоннинг раҳбарлари эса



Н.Халилдинов ва А.Хамидов бўлгани, улар Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШда ҳам ишлаганлигини билишини, ишга кирганидан сўнг 1 ҳафта давомида “Ихлос” савдо маркази ичидаги дўконда ишлаб, кейин “Fergana Mobile” савдо маркази ичидаги дўконга ўтгани, у ердан сўнг С.Темур кўчасида жойлашган “Флагман” савдо маркази ичидаги ҳамда Қирғули мавзесидаги дўконларда ҳам бир муддат ишлагани, “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳрида жами 12 та дўкон филиаллари бўлгани, 2022 йил август ойи бошида Т.Одилов жамиятга раҳбар бўлгани, ундан ташқари, жамиятнинг дўконларида Рўзиматова Гулноза, Джураев Абдухалил, Джумабоева Дилшода, Одилов Асадбек, Исмоилова Бегойим, Юсупов Дилшод, Маматкулов Машхурбек, Абдулахадов Мухаммадаъзам, Тўхтасинов Шавкатбек ва бошқалар ишлагани, дўконларда телефон аппаратлари нақд пул ва насия савдога сотилгани, “Of Course” МЧЖ билан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасида шартнома бўлгани, ширкатнинг платформасида насия савдо қилиш тартиби қуйидагича бўлгани, яъни маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган мижоз паспортини ва пластик картасини тақдим қилиши, сотувчи томонидан дастлаб унинг پاسпорти ширкатнинг “Iman pos” номли дастурига киритилиши, ушбу дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилган бўлиб, ҳар бир сотувчи мижоз билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролларидан фойдаланиши, сўнг мижознинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилиши, телефонга келган смс код дастурга киритилиши, кейин дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, ушбу пластик карта эгасига маҳсулот сотиш ёки сотмасликни аниқлаб бериши, агар мижознинг картасига маҳсулот сотиш мумкин бўлмаса, мижозда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлиши, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгач, мижоз уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши белгилангани, мижоз маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, ишга кирганида Рўзиматов Гулноза унга “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг насия савдо учун мўлжалланган “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар борлигини айтгани, ҳақиқатдан ҳам “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар бўлгани, йиғилишларда “Of Course” МЧЖ раҳбарлари А.Хамидов, Н.Халилдинов, Т.Одилов ва А.Ғуломқодиров сотувчиларга савдони оширишни айтгани, лекин маҳсулот сотиб олмаган шахсларнинг номига қалбаки шартномалар тузиб бўлса ҳам савдони ошириш ҳақида топшириқ бермагани, йиғилишларда ҳар доим қатнашиб келгани, маҳсулот сотиб олувчи харидорларга шартномалар расмилаштираётган жараёнида уларни олдида “Of Course” МЧЖ раҳбарлари А.Хамидов, Н.Халилдинов, Т.Одилов ва А.Ғуломқодиров бўлмагани, улар қалбаки шартномалар расмилаштириши ҳақида айтмагани, терговда кўрсатувларини ўқимасдан имзо қўйиб бергани;

гувоҳ Д.Юсуповнинг судда, 2022 йил июль ойининг охирларида “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳар марказида жойлашган “Ихлос” дўконига ишловчи Гулноза опани тавсияси билан “Fergana mobile” дўконига



сотувчи сифатида ишга киргани, дўконнинг раҳбари Н.Халилдиновни суҳбатидан ўтиб ишга қабул қилингани, дўконда телефон аппаратлари насия савдога сотилгани, бундан ташқари, “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳрида бир нечта дўкон филиаллари бўлгани, уларни кўпроқ Т.Одилов бошқариб тургани, дўконда “Iman Pay” ва “Iman Pos” каби дастурларда ишлагани, унга онлайн шартнома расмийлаштириш учун ишлатиладиган “Iman Pay” ва “Iman Pos” дастурларини қандай ишлаши ҳақидаги видеороликларни ташлаб, уларда ишлашни ўргатиб тургани, сотувчи Гулноза ҳам ушбу дастурлар ҳақида ўргатгани, “Iman Pos” дастурида “Face ID” бўлмагани, унга мижознинг паспорт маълумотларини ва пластик картасини юклаб, лимит олиш мумкин бўлгани, кейинчалик сотувчи Мардонбекдан агар мижозга лимит ажратилмаса, унга қўшимча пластик карта киритиш орқали лимит олиш, шунингдек мижоздан бошқа шахсга тегишли пластик картани киритиб ҳам лимит олиш мумкинлигини эшитгани, кейин бу ҳақида Н.Халилдинов ва раҳбарлардан сўраганида, улар ҳам агарда мижозга лимит ажратилмаса савдони ошириш мақсадида қўшимча пластик карта юклаб лимит олиш мумкинлигини айтгани, кейинчалик эса “Iman Pay” дастурида ишлагани, маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган мижоз паспортини ва пластик картасини тақдим қилгани, сотувчи томонидан дастлаб унинг پاسпорти “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг “Iman pay” номли дастурига киритилгани, дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилгани, унга А.Ғуломқодиров томонидан логин ва пароллар берилган бўлиб, сотувчи мижоз билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролларидан фойдалангани, сўнг мижознинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилгани, сўнг телефонга смс код келгани, код дастурга киритилгани, дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, пластик картадаги пул айланмасига қараб, унга ажратилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини белгилаб бергани, агар мижозга маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлмаса, мижозда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлгани, қўшимча пластик карта киритилганидан сўнг мижозга маҳсулот сотиб олишга рухсат берилса, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгани, мижоз уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетгани, мижоз маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, сўнг ширкатнинг насия савдо учун мўлжалланган “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар бўлгани, камчиликлар ҳақида дўконнинг барча сотувчилари хабар топгани, уларга ҳар бир сотилган маҳсулот учун 35.000 сўмдан бонус пуллари берилгани, бундан ташқари, телефон аппарати харид қилган шахслар бошқа харидорларни олиб келган тақдирда уларга ҳам бонуслар берилгани, Муталибжонов Муҳаммадумар, Мирзараҳимов Саиджон каби фуқароларнинг шахсига оид ҳужжатларга олинган муддатли тўловларни ким келиб олиб кетганлигини ҳозирда эслолмаслигини, лекин Болибекова Ферузанинг номидан унинг таниши эканлигини айтиб “Хумоюн” исмли доимий мижозга телефон аппаратларини насия савдога сотиб олиш бўйича шартнома қилиб бергани, у доимий мижоз сифатида телефон аппаратлари олиб кетганлиги учун шартнома



қилиб бергани, терговдаги сўроғида Т.Одилов сотувчиларга савдони ошириш бўйича топшириқлар бериб келгани, Н.Халилдинов сотувчиларга йиғилиш ўтказиб, агар миқдорга лимит ажратишни имкони бўлмаса, танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда насиа савдо шартномасини қилиб бериши мумкинлигини айтиб, фуқаролар ўзи келмасдан туриб, танишларининг пластик картасини ва паспорт маълумотларини ташлаб берган тақдирда ҳам, уларга шартнома расмийлаштириб беришини айтгани ҳақида кўрсатув ёзилгани, лекин “Of Course” МЧЖнинг раҳбарлари бундай топшириқ бермагани, “Of Course” МЧЖнинг раҳбарлари фақат савдони ошириш бўйича топшириқлар бериб келишгани, терговда кўрсатувларини ўқимасдан имзо қўйиб бергани, қалбаки шартномаларни расмийлаштиришдан моддий манфаатдор бўлмагани;

гувоҳ Г.Рўзиматованинг судда, 2022 йил 5 июнь кунда “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳар марказида жойлашган “Ихлос” савдо маркази ичидаги дўконига сотувчи сифатида ишга киргани, дўконнинг раҳбари Н.Халилдиновнинг суҳбатидан ўтиб, ишга қабул қилингани, дўконда телефон аппаратлари насиа савдога сотилгани, бундан ташқари, “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳрида бир нечта дўкон филиаллари бўлгани, дўконларни Н.Халилдинов бошқариб тургани, бундан ташқари, А.Хамидов ҳам раҳбар бўлгани, кейинроқ 2022 йил август ойида дўконга Т.Одилов раҳбар бўлиб келгани, ишга кирган вақтида “Iman pos” дастурида савдо қилиб келингани, маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган миқдор паспортини ва пластик картасини тақдим қилгани, сотувчи томонидан дастлаб унинг پاسпорти “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШНнинг “Iman pos” номли дастурига киритилгани, ушбу дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилгани, унга А.Ғуломқодиров томонидан ушбу логин ва пароллар берилган бўлиб, сотувчи миқдор билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролларидан фойдалангани, сўнг миқдорнинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилгани, сўнг телефонга келган смс код дастурга киритилгани, кейин дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, пластик картадаги пул айланмасига қараб, унга ажратилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини белгилаб бергани, агар миқдорга маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлмаса, миқдорда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлгани, қўшимча пластик карта киритилганидан сўнг миқдорга маҳсулот сотиб олишга рухсат берилса, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилгани, миқдор уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши мумкин бўлгани, миқдор маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, бундан ташқари, уларнинг иш жойида бир ҳафтада ёки икки ҳафтада Н.Халилдинов, А.Хамидов ва Т.Одилов томонидан йиғилиш ўтказиб турилгани, йиғилишда Н.Халилдинов уларга савдони ошириш ҳақида топшириқ бериб, миқдорга лимит ажратишни имкони бўлмаса, танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда насиа савдо шартномасини қилиб бериш, шунингдек фуқаролар ўзи келмасдан туриб, танишларининг пластик картасини ва паспорт маълумотларини ташлаб берган тақдирда ҳам уларга



шартнома расмийлаштириб бериш мумкинлигини айтгани, телеграм ижтимоий тармоғида гуруҳда Т.Одилов ва Н.Халилдинов уларга шунга ўхшаш хабарларни етказиб тургани, сотувчи бўлиб иш бошлаганидан сўнг “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг насия савдо учун мўлжалланган “Iman pos” дастурида бир қатор камчиликлар бўлгани, камчиликлар ҳақида дўконнинг барча сотувчилари хабар топгани, уларга ҳар бир сотилган маҳсулот учун 35.000 сўмдан бонус пуллари ҳам берилгани, бу эса танишини ёки қариндошини паспортини олиб келганларга ҳам онлайн тартибда қалбаки насия савдо шартномасини расмийлаштириб берилишига ундагани, бундан ташқари, улардан телефон аппарати харид қилган шахслар бошқа харидорларни олиб келган тақдирда уларга ҳам бонуслар тақдим қилингани, уни олдида доимий мижоз томонидан олиб келинган Хасанов Дилшат, Миллажонов Дилнозахон каби шахсларнинг шахсига оид ҳужжатларига телефон аппаратларини насия савдога сотиб олиш бўйича шартнома қилиб бергани, мижоз унга ўша шахсларнинг ўзи келолмаслигини, лекин насия савдонинг ойлик тўловларини тўлаб боришини айтганлиги сабабли ушбу шартномаларни паспорт эгалари келмаган бўлса ҳам расмийлаштириб бергани, қалбаки шартномаларни расмийлаштиришдан моддий манфаатдор бўлмагани, фақат расмийлаштирган шартномаси учун 35.000 сўм бонус пули олгани, илгари қалбаки шартномалар расмийлаштирганлиги бўйича судлангани;

С.Рахимова (Ғаниева)нинг судда, 2022 йил тахминан май ойида “Of Course” МЧЖнинг Фарғона шаҳар марказидаги “Fergana Mobile” номли дўконига сотувчи бўлиб ишга кириб, 3 ой ишлаб, кейин МЧЖнинг шаҳар марказидаги Стоматология шифохонаси олдида жойлашган дўконига ишга ўтгани, МЧЖ раҳбарларидан Н.Халилдинов олдиндан танигани, А.Хамидов ҳам жамият раҳбари ҳисоблангани, улар уни ишга олгани, А.Ғуломқодиров эса жамиятнинг бухгалтерия ишларини юритиб келгани, 2022 йил август ойида Т.Одилов уларга раҳбар бўлгани, “Of Course” МЧЖнинг дўконларида Рўзиматова Гулноза, Джураев Абдухалил, Джумабоева Дилшода, Одилов Асадбек, Исмоилова Бегойим, Юсупов Дилшод, Ёқубов Мардон, Маматқулов Машхурбек, Абдулахад Мухаммадаъзам, Тўхтасинов Шавкатбек ва бошқалар ишлагани, дўконларда телефон аппаратлари нақд пул ва насия савдога сотилгани, жамиятнинг Фарғона шаҳрида жами 12 та дўкон филиаллари бўлгани, ишга кирганида “Of Course” МЧЖ билан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома бўлгани, жамият томонидан насия савдога сотилган маҳсулотнинг пулларини ширкат тўлаб бергани, маҳсулотни сотиб олган харидор эса ойлик тўловларини ширкатга тўлаб бориши лозим бўлгани, улар “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШнинг “Iman Pos” ва “Iman Pay” номли дастури бўлгани, “Iman Pos” платформасида маҳсулот сотиб олмоқчи бўлган мижоз паспортини ва пластик картасини тақдим қилиши, сотувчи томонидан дастлаб унинг پاسпорти дастурга киритилиши, дастурда ишлаш учун ҳар бир сотувчига алоҳида логин ва пароллар берилиши, сотувчи мижоз билан шартнома расмийлаштириш жараёнида ўзининг логин ва паролларидан



фойдаланиши, сўнг миждознинг пластик картаси маълумотлари ва унга уланган телефон рақами киритилиши, сўнг телефонга смс код келиши, код дастурга киритилиши, кейин дастур автоматик тарзда ушбу пластик картани “скоринг”дан ўтказиб, пластик карта эгасига маҳсулот сотиш ёки сотмасликни аниқлаб бериши, агар миждознинг картасига маҳсулот сотиш мумкин бўлмаса, миждозда қўшимча пластик карта киритиш имкони бўлиши, қўшимча пластик карта киритилганида, маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлса, сотувчи томонидан шартнома ва тўлов графиги чиқариб берилиши, миждоз уни имзолаб, маҳсулотни олиб кетиши, миждоз маҳсулотни олганлиги ҳақида бошқа алоҳида ҳужжат расмийлаштирилмагани, А.Ғуломқодиров унга ўзининг пластик картасини рақамини бергани, ушбу пластик картадан номига шартнома расмийлаштириш имкони бўлмаган шахсларга қўшимча пластик карта сифатида дастурга киритиб, фойдаланиб келгани, шунингдек ушбу пластик картадан Г.Рўзиматова ва бошқа сотувчилар ҳам фойдаланган бўлиши мумкинлигини, лекин айнан ҳозир буни эслай олмаслигини, Н.Халилдинов ва А.Ҳамидов уларга 1-2 марта йиғилиш ўтказгани, бироқ унда сотув ҳақида гаплашилмагани, Фарғона шаҳар марказидаги Стоматология рўпарасида янги дўкон очилганда, улар шу ерни ва янги сотувчиларни таништиргани, А.Ғуломқодиров “Of Course” МЧЖнинг бухгалтериясини юритгани, шунингдек фуқароларни суҳбатдан ўтказиб, дўконга ишга қабул қилгани, у ҳар ойда келиб, сотувчилар томонидан тузилган шартномаларни тўплаб, уларни “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШга топшириш учун олиб кетгани, “Of Course” МЧЖ сотувчилари томонидан бир қанча ҳолатда аслида маҳсулот сотиб олмаган шахсларнинг номига қалбаки шартномалар расмийлаштирилган ҳолатлар бўйича А.Ҳамидов, Н.Халилдинов, Т.Одилов ва А.Ғуломқодировнинг қандай алоқаси борлигини билмаслиги, лекин улар сотувчиларга савдони ошириш учун аслида маҳсулот сотиб олмаган шахсларнинг номига қалбаки шартномалар тузиб бўлса ҳам савдони ошириш ҳақида кўрсатма бермагани, фақат А.Ғуломқодиров миждознинг пластик картасига шартнома расмийлаштиришнинг имкони бўлмаса, қўшимча пластик карта киритиш орқали шартнома расмийлаштириш мумкинлигини, улар баъзи ҳолларда шундай йўл тутганлигини билгани, аслида маҳсулот сотиб олмаган шахсларнинг номига қалбаки шартномалар расмийлаштирамагани, фақат танишини номига телефон сотиб олмоқчи бўлиб келган одамларга танишининг розилиги билан насия савдо шартномаларини расмийлаштириб телефон сотгани;

ғувоҳ У.Омонбоевнинг судда, 2022 йил ёз ойларида турли хил сабаблар билан қарзга кириб қолганлиги сабабли нима қилишни билмасдан насия савдога телефон аппаратини сотиб олиб, кейинчалик уни сотиб, пуллари қарзига бермоқчи бўлгани, кейин ўша вақтларда Фарғона шаҳар марказидаги “Ихлос” савдо дўконида насия савдо дўконида биттагина паспортга телефон аппаратини сотилганлигини билиб, дастлаб онаси К.Ҳамробоевнинг номига “Redmi 10S” русумли телефон аппаратини сотиб олгани, унга дўкон ходимлари Олтиариқда филиаллари очилганини, телефон сотиб олиш учун овора бўлиб Фарғона шаҳрига келмасдан, Олтиариқдаги филиалдан ҳам сотиб



олиш мумкинлигини айтгани, сўнг август ойларида Олтиариқ тумани марказидаги телефон бозорда жойлашган дўконга бориб, сотувчи Гулшода билан гаплашганида, у номида кредит борлигини, бирор танишини паспорти бўлса ташлаб беришини, уни номига насия савдога телефон аппаратини сотишини, танишининг ўзи келиши ҳам шарт эмаслигини айтгани, сўнг дадасининг амакиваччаси О.Холматовнинг паспортини расмини олиб, Гулшодага ташлаб бергани, бир икки кундан сўнг Гулшода унга телефон қилиб, телефонни олиб кетишини айтгани, кейин О.Холматовни номига нархи 3.888.000 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини насия савдо асосида сотиб олгани, кейин таниши У.Судуровга ҳам номига Россиядан пул ўтказиб туришини айтиб алдаб, уни паспортини расмга олиб, уни ҳам Гулшодага ташлаб бергани, Гулшода уни номига нархи 4.252.500 сўмлик “Redmi Note 11” русумли телефон аппаратини расмийлаштириб, унга келиб олиб кетишини айтгани, кейин дўконга бориб, ушбу телефон аппаратини ҳам олиб кетгани, ушбу телефон аппаратларини Фарғона шаҳрида сотиб, пулларини қарзларига тўлагани, кейин имкони бўлмаганлиги сабабли телефон аппаратини тўловларини тўлай олмагани, Гулшодани олдида телефон аппаратларини олиш учун борган вақтида шартномаларга имзо қўйиб бергани, М.Абдуғаниев билан гаплашганида, унга номига насия савдо асосида телефон аппаратини у сотиб олганини айтгани, сабаби унга Гулшода телефон аппаратини у олганини айтиб юборган экани, сўнг у тинмай уйига келиб, жанжал қилаверганлиги сабабли унга телефон аппаратини олганини, тўловларини тўлаб қўйишини айтгани, лекин аслида уни номига телефон аппаратини сотиб олмагани, судланувчиларни танимаслиги, шартномаларга ўзи имзо қўйиб олгани;

гувоҳ Б.Нурмухамедовнинг судда, 2021 йилда “Iman Halal Investments” МЧЖда сотув бўлимига сотув бўлими ва дастурлаш ишларига ёрдамлашиш учун ишга киргани, вазифасига “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КИШ билан бошқа фирмаларни шартномалар тузиши, уларнинг шартнома асосида ўзаро савдо юзасидан фаолият юритишини назорат қилиш, дастлаб жамият ва ширкат учун фойдаланиш зарур бўлган дастурларни лойиҳаларини тайёрлаш кабилар киргани, лойиҳага кўра дастурчилар дастурларни яратгани, ширкатнинг бошқа ташкилотлар билан онлайн ва ва офлайн тартибда шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, онлайн шартномалар “Didoks” дастури орқали амалга оширилгани, офлайн шартномалар эса одатдагидек икки тарафнинг имзо қўйиши билан тасдиқлангани, офлайн шартномаларга дастлаб Р.Рахматов, кейин қайсидир вақтдан бошлаб А.Хамидов имзо қўйишни бошлагани, онлайн шартномаларни ширкат томонидан асосан бухгалтерия ишчилари тасдиқлагани, ширкат томонидан бошқа ҳамкорларга пул маблағини ўтказиш жадвалини Нурахунова Таслима тайёрлагани, ўтказилиши керак бўлган миқдорни ўтказилишидан олдин охириги бўлиб ўзи белгилаб бергани, бухгалтерия бўлимида бош ҳисобчи Н.Халилдинов уларга берилган топшириқ бўйича пул ўтказилганлиги ҳақида хабар бергани ва улар пул ўтказиш билан боғлиқ барча ишлар билан шуғуллангани, кейинчалик жами 2.000.000.000 сўмдан ортиқ пул



маблағлари ҳеч кимнинг рухсатисиз Н.Халилдинов томонидан “Of Course” МЧЖга ўтказиб юборилганлиги ҳақида хабардор бўлгани, мазкур пуллар 2022 йилнинг август ойидан декабрь ойига қадар бўлган вақт оралиғида ўтказилгани, “Click up” дастурида “Of Course” МЧЖ ҳисоб рақамига “передоплата” тарзида ўтказилган 2.000.000.000 сўм пулларни ўтказиш буйруғи берилмагани, айнан шу сабабдан ҳам бундай буйруқ берилмаган деган хулосага келингани, аудит текширувида бошқа ташкилотнинг номи ёзилиб, аслида “Of Course” МЧЖ ҳисоб рақамига пул ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатилганлиги аниқлангани, Н.Халилдинов билан телеграмда ўтказилиши керак бўлган пуллар ҳақида ёзишмалар бўлмагани, ҳамкорлар билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳақида ганлашилгани, ширкатда камомад аниқланганидан кейин Н.Халилдинов ва А.Хамидовни ўзлари телеграмдаги ёзишмаларини ўчириб юборгани, шунингдек улар ишдан бўшаганидан кейин телеграм гуруҳдан чиқариб юборилгани, ички аудит далолатномаси билан танишмагани, унга ўтказилган пуллар ҳақида маълумотлар юборилганида, уларни текшириб ортиқча тарзда ўтказиб юборилган пулларни аниқлаб, бу ҳақида маълум қилгани, у, А.Хамидов ва Р.Рахматов “передоплата”ларни ўтказиш тартибини тузишгани, уларни барчасини “эхсел” файлда рўйхати шакллантирилиб, файлга ёзиб борилгани, пулларни ўтказиш буйруғи ўзи томонидан амалга оширилгани, “передоплата” шаклида “Of Course” МЧЖга ўтказилган пул маблағларини қанча миқдорида буйруқ берганлиги ёки бермаганлигини ажратиб беролмаслигини, А.Хамидов қаерга қанча миқдорда пул ўтказилган, қанча миқдорда пул берилган ва шу каби молиявий назорат билан боғлиқ ишларни, Н.Халилдинов эса бухгалтерия билан боғлиқ бошқа ишларни амалга оширгани, уни ва Р.Рахматовнинг рухсатисиз ҳам А.Хамидов ва Н.Халилдиновни “Of Course” МЧЖга пул ўтказиш имконияти мавжуд бўлгани, чунки бу бўйича уларни “доступ”лари бўлгани, Эъзога ширкатнинг пулидан “Of Course” МЧЖга ўтказганлигидан хабари йўқлиги;

гувоҳ Н.Алижоновнинг судда, 2022 йил май ойидан “Iman Halal Invesments” МЧЖда дастлаб бир ой савдо бўлимида, кейин эса бухгалтерия бўлимида ишлаб келгани, вазифаларига шартнома тузилган ташкилот ёки инвесторга банк транзакцияларини ўтказиш кабилар киргани, бош ҳисобчи лавозимида Н.Халилдинов фаолият кўрсатгани, ишга кирган вақтида 2022 йил 29 апрель куни “Iman Halal Invesments” МЧЖни “Of Course” МЧЖ билан тузган шартномаси билан танишиб чиққани, ўша вақтда “Of Course” МЧЖнинг раҳбарини танимагани ва билмагани, 2022 йил декабрь ойида у билан ундирув бўлими бошлиғи Дилшод ака “Of Course” МЧЖга ортиқча миқдорда пул маблағи ўтказилаётганини, яъни айнан ушбу жамият орқали мижозларнинг ярим тунда ҳам “скоринг” қилинаётганини сезиб қолгани, бундан ташқари, жамият билан тузилган 175-сонли шартномага мувофиқ бошқа фирмаларга ҳам пул маблағини ўтказиш ҳолати аниқлангани, аслида бундай бўлмаслигини, улар текширганида ушбу шартнома орқали мижозларга пул ўтказилганлиги ҳолатида бошқа фирмаларнинг аслида рўйхатдан ўтмаганлиги аниқланиб, бу ҳақида директор Р.Рахматовга хабар берилгани, мижозларнинг ярим тунда “скоринг”дан ўтаётганлиги, гўёки уни товар сотиб



олаётганлигини билдириб тургани, директор Р.Рахматовнинг кўрсатмасига биноан улар ички аудит текширувини ўтказганида, аслида эса “Of Course” МЧЖ томонидан юборилган счёг-фактурадаги маблағдан кўп маблағ ўтказилганлигини, бундан ташқари, мавжуд бўлмаган фирма номи ёзилиб, лекин пуллар “Of Course” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилганлигини билгани, пул ўтказиш учун банк томонидан берилган калитлар орқали ишлаш мумкин бўлгани, дастурлар ўрнатилган ноутбук аппарати бўлиб, мазкур калитни бири Н.Халилдиновда, бири Ёъзозода бўлгани, унга мазкур калит ва ноутбукдан бири 2022 йил ноябрь ойида берилгани, лекин асосан пулларни Н.Халилдинов ўтказгани, банк томонидан берилган калит махсус ноутбукка улаб, “банк-мижоз” дастурига кирилишини, шунда пул ўтказмоқчи бўлган фирмани ҳисоб рақами ёзилганида, автоматик тарзда МФО ва ИНН на фирмани номлари кўринишини, сўнг фирмани номини ўзгартириб ёзиб, ўтказмоқчи бўлган маблағини киритиб пулни ўтказиш мумкин бўлгани, “Of Course” МЧЖнинг номи ўзгартирилиб, лекин мазкур жамиятнинг ҳисобига пул ўтказганлик билан солиқ маълумотларида ҳисоб рақами кўриниб туришини, бу билан “Iman Halal Investments” МЧЖни чалғитиб, пул ўтказишни яшириб кўрсатиш учун қилинган дейиш мумкинлигини, “Of Course” МЧЖга пулларни Н.Халилдинов ўтказгани, ички аудит текшируви ўтказилганида, “Of Course” МЧЖнинг таъсисчилари ва бошқа ходимлари орасида Н.Халилдинов ва А.Хамидовнинг қариндошлари борлиги аниқлангани, сўнг уларни жамиятга норасмий раҳбар деган хулоса келингани, “Of Course” МЧЖ билан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан айнан ким шартнома тузганлигини билмагани, лекин ширкатнинг номидан бошқа фирмалар билан савдо бўлими бошлиғи Бобур шартнома тузиш ваколатига эга бўлгани, 10.000.000 сўмдан кам бўлган пуллар директор Р.Рахматовнинг маслаҳатисиз, қолган юқори маблағлар эса директор билан Таслима маслаҳатлашиб, пулларни ўтказишга рухсат берилгани, бу ҳақида буйруқ ишлаб чиқилгани;

гувоҳ Э.Собитованинг судда, 2021 йил 1 ноябрдан “Iman Halal Investments” МЧЖда ҳисобчи бўлиб ишлагани, вазифаларига ходимларинг ойлик масаласи ва пул ўтказмалари билан шуғулланиш кабилар киргани, ўша вақтда бош ҳисобчи лавозимида Н.Халилдинов ишлагани, 2022 йил декабрь ойида шериги Нодир “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан “Of Course” МЧЖга ортиқча миқдорда пул маблағлари ўтказилаётганлигини сезиб қолгани, шунингдек “Of Course” МЧЖ билан тузилган 175-сонли шартномага мувофиқ бошқа фирмаларга ҳам пул маблағи ўтказилганлиги аниқлангани, лекин номи ёзилган фирмаларга пул ўтказилмасдан, пуллар “Of Course” МЧЖнинг ҳисоб рақамига туширилгани, аслида бундай бўлмаслиги кераклигини, улар текширганида 175-сонли шартнома орқали мижозларга пул ўтказилганлиги ҳолатида бошқа фирмаларнинг аслида рўйхатдан ўлмаганлиги аниқланиб, бу ҳақида директор Р.Рахматовга хабар қилингани, пул ўтказиш учун банк томонидан берилган калит орқали ишлаш мумкин бўлгани, дастурлар ўрнатилган 2 дона ноутбук аппарати бўлиб, мазкур калит биттаси Н.Халилдиновда, биттаси ўзида бўлгани, 2022 йил декабрь ойдан кейин Нодирга ҳам “установка” қилингани,



мазкур калит барча ходимлар ишловчи хонадаги сейфда сақлангани, сейфнинг паролини у, Н.Халилдинов ва Р.Рахматов билгани, банк томонидан берилган калитни махсус ноутбукка улаб, “банк-мижоз” дастурига кирилиб, пул ўтказмоқчи бўлган фирмани ҳисоб рақами ёзилганида, автоматик тарзда МФО ва ИНН ва фирмани номлари кўринишини, “Of Course” МЧЖнинг номи ўзгартирилиб, мазкур жамиятнинг ҳисобига пул ўтказганлик билан солиқ маълумотларида ҳисоб рақами кўриниб туришини, Н.Халилдинов “Of Course” МЧЖга пулларни ўтказгани ёки унинг кўрсатмаси билан ўзи ҳам пул ўтказгани, Н.Халилдинов А.Хамидов билан шерик бўлгани, ички аудит текширув ўтказганида, “Of Course” МЧЖнинг таъсисчилари ва бошқа ходимлари орасида Н.Халилдинов ва А.Хамидовнинг қариндошлари борлиги аниқлангани, шунда уларни жамиятга норасмий раҳбар деган хулосага келингани, “Of Course” МЧЖ билан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан айнан ким шартнома тузганлигини билмаслигини, ширкатнинг номидан бошқа фирмалар билан савдо бўлими бошлиғи Бобур шартнома тузиш ваколатига эга бўлгани, инвесторлар сармояни ширкатга киритгани, ширкат билан шартнома тузган ҳамкор ташкилотларга олдиндан пул маблағлари ўтказилган ҳолатлари бўлгани, шунингдек “Of Course” МЧЖга ҳам олдиндан катта миқдорда, хусусан 200.000.000 сўм миқдоридаги пуллар ҳам ўтказилган ҳолатлари бўлгани, инвесторлар киритган сармоялар савдога мақсадли ишлатилган бўлиб, ҳеч қандай бемақсад фойдаланишга йўл қўйилмагани, хусусан улар ходимларга ойлик учун тўланмагани, “Of Course” МЧЖ ширкатнинг ҳамкор ташкилоти бўлиб, мазкур ташкилотга жами 2.500.000.000 сўм пуллар “передоплата” тарзида олдиндан ўтказиб юборилгани, шунингдек улар орасида бошқа ташкилотнинг номи ёзилиб, аслида “Of Course” МЧЖнинг ҳисоб рақамига пуллар ўтказилгани, мазкур пуллар 2022 йил 2 декабрь кунидан 2023 йил январь ойи давомида ўтказилгани, пулларни Н.Халилдинов ўтказгани, чунки, ўша куни ундан Нодир телеграм орқали “GOOGLE.DOC” дастурига кириш учун Н.Халилдиновга “доступ” беришини сўраганида, мазкур “доступ”ни тақдим этгани, ушбу дастур Н.Халилдиновга пулларни ўтказиш имкониятини бермаслигини, бироқ, маълумотлар билан танишиши мумкинлигини, айнан Н.Халилдинов ўтказган деган хулосага келишига ҳамкасби Нодир пулларни Н.Халилдиновни ўзи ўтказганлигини айтгани сабаб бўлгани, 2022 йил 2 декабрдаги Нодирни унга ёзган телеграм ёзишмаси бўлгани, бу вақтда хизмат таътилида бўлгани, Н.Халилдиновда пулларни ўтказиш учун тасдиқлов калити бўлганлиги сабабли шу куни ўтказмаларни ўзи ўтказган деб ҳисоблашини, ҳақиқатда ҳам аудит текширувидан кейин Н.Халилдиновга ҳақиқатда пуллар бошқа фирманинг номи ёзилиб, аслида “Of Course” МЧЖга техник хатолик билан ўтган ҳолати бўйича ширкат раҳбарияти жарима интизомий жазоси қўлагани, 10.000.000 сўмдан кам бўлган маблағлар директор Р.Рахматовнинг маслаҳатисиз, қолган юқори маблағлар эса директор билан Таслима маслаҳатлашиб, пулларни ўтказишга “GOOGLE.DOC” дастури орқали буйруқни киритишгани, сўнг ҳисобчи А.Ғуломқодиров ўтказилиши керак бўлган ташкилот ва унинг ҳисоб рақамини тергани, Н.Халилдинов эса



ўтказмани тасдиқлагани, ширкатда 10.000.000 сўмдан ортиқ маблағларни Р.Рахматовнинг розилиги билан ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилгани ва таништирилгани, “GOOGLE.DOC” дастурига кириш учун кимда “доступ” бўлса, ундаги ёзувларни ўчириб юбориш имконияти мавжуд бўлгани, Н.Халилдинов меҳнат таътилида бўлган вақтларида уни вазифаларини қисман ўзи бажариб тургани, пул ўтказиш ҳақидаги кўрсатмаларни уни ўзидан олган бўлиши мумкинлигини, Н.Халилдинов таътилда юрган вақтида унга кўрсатма берган ёки бермаганлигини тасдиқловчи далиллар ҳозирда мавжуд эмаслигини, бу ҳақида телеграмда ёзишмалар бўлгани, олдиндан ўтказилиши керак бўлган пулларни миқдори белгиланган жадвал бўлгани, жадвалдаги олдиндан ўтказилиш керак бўлган “передоплата” маблағларни Таслима белгилаб бергани, А.Ғуломқодиров эса қолган бўлимларини тўлдириб жадвални тузгани, Н.Халилдинов 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи олганлигини билмаслигини, ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг баъзи норасмий ишчилари, яъни Ўзбекистон фуқаролари бўлмаган Суна Парк, Екатерина, Марк Зубовлар бўлгани, Н.Халилдинов улар тақдим қилган карталарга ўтказиб бериш учун қўшимча картасига туширган ёки туширмаганлигини билмаслигини, ушбу фуқаролар чет элда яшагани ва ишлагани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек ишдаги жабрланувчилар Х.Ахмаджонов, М.Муталибжонов, Г.Хасанова, Д.Ибайдуллаев, Д.Хабирова, гувоҳлар А.Одилов, Ш.Валиева, Р.Рустамова, Т.Сағдиева ва бошқаларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ҳужжатларни олиш, юзлаштириш баённомалари, 2022 йил 29 апрелдаги 175-сонли шартнома, аудит текшириш, тафтиш далолатномалари ва илова қилинган ҳужжатлар, фуқаролар билан тузилган шартнома нусхалари, ҳисоб рақам пул айланмалари тарихи, телеграм ижтимоий тармоғидаги ёзишмалар нусхалари, фотосуратлар, зарарни тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Шу сабабли, суд судланувчиларнинг айблари ишда тўпланган ва суд муҳокамаси давомида текширилган ишончли далиллар билан исботланди деб ҳисоблаб, А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров ва Т.Одиловни оқлаш ҳақидаги вазлари билан келишмади.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида” қарорининг 3-бандида, амалдаги жиноят қонунларига биноан, ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланишини, мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкани тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга ҳилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозимлиги, 5-бандида, шахсни ўзганинг мулкани ЖК муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган талон-торож жиноятини содир этишда айбдор деб топганда, унинг



ҳаракатлари ЖК тегишли моддасининг оғирроқ жавобгарликни назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этилмаслиги (масалан, жиноят ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан, шу жумладан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1 ва 2-қисмлари билан қўшимча квалификация талаб этилмайди), давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилинган умумий суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарурлиги;

2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши тегишлича ЖК 167 ва 209-моддаларида ёки ЖК 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров ва Т.Одиловнинг бир гуруҳ шахслар билан компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШНинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишдаги жиноий ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан, судланувчи С.Қучқоровнинг бир гуруҳ шахслар билан иштирокчиликда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШНинг мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишдаги жиноий ҳаракати ЖК 28,167-моддаси 3-қисмининг “г” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган бир вазиятда, уларни такроран 23 та айблов эпизодларидаги фуқароларни номига расмийлаштирилган шартномаларни қалбакилаштириб, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШНинг жами 159.445.623 сўм пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш белгиси бўйича ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айблаб, хатоликка йўл қўйилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

ЖКнинг 32-моддасига мувофиқ, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.



Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишдан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида, жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш ҳатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозимлиги, бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги;

2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 6-бандида, давомли талон-торож қилиш деб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлар билан ўзганинг мулкани қонунга ҳилоф равишда текин олиб қўйиш (эгаллаб олиш) тушунилиши, давомли жиноятда айбдорнинг ҳатти-ҳаракати содир этилган барча талон-торож эпизодлари бўйича зарар суммаларини қўшганда ҳосил бўлган миқдордан келиб чиқиб квалификация қилиниши, жиноятнинг такроран содир этилган-этилмаганлиги масаласини ҳал қилишда Жиноят кодексининг 32-моддаси мазмунидан келиб чиқиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, иш бўйича қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчилар 23 та айблов эпизодларидаги фуқароларни номига расмийлаштирилган шартномаларни қалбакилаштириб, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШНинг жами 159.445.623 сўм пул маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган бўлиб, уларнинг қасди ягона мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсад йўлида давомли равишда расмий ҳужжатлар қалбакилаштирилган.

Бундай ҳолатда судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров, Т.Одилов ва С.Қучқоровни ҳаракатида ўзлаштириш ва расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда такрорий белгисининг аломатлари мавжуд эмас.

Шу сабабли, суд судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров, Т.Одилов ва С.Қучқоровнинг айбларидан ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” бандини ҳамда такроран ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш белгисини чиқаришни лозим топди.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи судланувчи Н.Халилдиновни бош ҳисобчи бўлиб ишлаб келадиган “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШДдан ойлик иш ҳақини тушириб олиш ваколоти мавжуд



эканлигидан фойдаланиб, 2022 йилнинг январь ойидан декабрь ойига қадар бўлган вақт давомида ўзига белгиланган ойлик иш ҳақидан 73.805.206,27 сўм кўп ойлик иш ҳақи ёзиб, пулларни пластик картасига тушириб олиб, мазкур пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда етарли далилларсиз айблаган.

Судланувчи Н.Халилдинов судда, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШДдан 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи олмагани, у “Iman Halal Investments” МЧЖда бош ҳисобчи бўлиб ишлаганлиги учун жамиятдан ойлик иш ҳақи олгани, Р.Рахматов уни иш ҳақини ўрганиб, 73.805.206 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи олганлиги ҳақида нотўғри фикрга келгани, ҳақиқатдан ҳам ушбу сумма пластик картасига тушгани, аммо ушбу суммалар жамиятнинг баъзи норасмий ишчилари, яъни Ўзбекистон фуқаролари бўлмаган Суна Парк, Екатерина, Марк Зубовлар тақдим қилган карталарга ўтказиб бериш учун қўшимча картага туширилгани, бу ҳақида тўлов чеклари борлиги, унинг картасига туширилган пуллар ойлик иш ҳақи сифатида бухгалтерияда тан олиниб, солиқ органига ҳисоботлар топширилгани ва ушбу суммаларга солиқлар ҳам тўлангани, ушбу фуқаролар чет элда яшагани ва ишлагани, чет эл фуқаролари Ўзбекистонда расмий ишлаши учун катта критерийлардан бири ПНФЛ олиб махсус рўйхатдан ўтиши ва катта миқдордаги давлат божини тўлаши керак бўлгани, шунинг учун ушбу харажатлардан қочиш мақсадида вақтинчалик шу шаклда уларнинг иш ҳақини бериш унга юклатилгани, шу шаклда ойлик иш ҳақини бериш тартибидан Р.Рахматовнинг хабари ва оғзаки рухсати бўлгани, ўзи олган иш ҳақини таҳлил қилганида, Р.Рахматов нотўғри ҳисоб-китоб қилгани оқибатида асоссиз 73.805.206 сўм ортиқча иш ҳақини ўзлаштирганликда айблангани, лекин терговда ушбу ҳолат тафтиш ўтказиш йўли билан ҳам аниқланмагани, шунингдек ушбу пулларнинг маълум қисмини Р.Рахматовнинг ўзига ҳам ташлаб бергани, қолган қисми фирмани эҳтиёжлари учун ишлатилгани, баъзи ҳолларда фирмани эҳтиёжлари учун ёнидан харажат қилган бўлса, кейин уни ширкатдан ўзига тушириб олган бўлиши мумкинлигини, Р.Рахматовга “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб, ушбу пулларни тўлаш ҳақида гапирмагани ҳақида;

жабрланувчи Р.Рахматов судда, Н.Халилдинов ширкатда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган вақтида шартнома бўйича унга 22.000.000 сўм ойлик иш ҳақи белгилангани, бироқ, ўзига 2022 йилнинг январь ойи учун 72.030.973 сўм, февраль ойи учун 32.613.500 сўм, март ойи учун 64.192.498 сўм, апрель ойи учун 68.486.199 сўм, май ойи учун 61.190.593 сўм, июнь ойи учун 59.103.380 сўм, июль ойи учун 78.018.485 сўм, август ойи учун 44.860.000 сўм, сентябрь ойи учун 53.529.326 сўм, октябрь ойи учун 12.571.428 сўм, ноябрь ва декабрь ойлари учун 22.000.000 сўмдан ойлик иш ҳақи ёзиб, пулларни пластик картасига тушириб олганлиги аниқлангани, ишхонада ўрнатилган тартиб бўйича пул ўтказиш йўли билан хусусий тадбиркорлардан сотиб олишнинг имкони бўлмагани, харажатлар, яъни ноутбук сотиб олиш, ходимларнинг махсус кийими бўлган ходим, техникалар ва уларнинг аксессуарлар, шунингдек уларга маркетинг учун видеоларни олишга чақиртирилган



камераларни олиб келиш йўл харажатлари учун Н.Халилдиновга қўшимча ойлик ёзиб, қўшимча ойликни шу харажатларга сарфлашига рухсат бергани, сабаби бу каби харажатларга пул ўтказиш йўли билан тўлов қилиб бўлмаслигини, бу хизматларни одатда ЯТТлар бажарганлиги сабабли улар тўловни нақд шаклда олишгани, шунинг учун уни ўзи бу каби харажатлар нақд пул тўлаш учун Н.Халилдиновга асосли харажатларга тўлаш учун қўшимча ойлик ёзишга рухсат бергани, лекин унга тушириб берилган ойлик иш ҳақи таҳлил қилинганида, 2022 йил январь ойидан декабрь ойига қадар 590.596.382,56 сўм ойлик иш ҳақини ўзига тушириб олгани, бу уни белгиланган ойлик иш ҳақидан анча кўп экани, шунда ундан нима сабабдан бунча кўп ойлик ёзиб олганини сўраганида, у ўзига тушириб олган ойлик иш ҳақини тақсимотини қилиб бергани, тақсимотига кўра ойлик иш ҳақи сифатида унга тушган пулларнинг 230.484.940,96 сўмини ширкатнинг турли харажатларига ишлатгани, қолган 286.306.235,33 сўми соф ойлик иш ҳақи бўлгани, шунда 73.805.206 сўм тафовут келиб чиққани, ундан нима учун кўп ойлик ёзиб олганини сўраганида, у ортиқча ёзилган ойликни “Нексия-3” русумли автомашинасини сотиб бўлса ҳам қайтаришини айтгани, ушбу кўрсатувларини тасдиқлаш мақсадида Н.Халилдиновга тушириб берилган ойлик иш ҳақини банкдан олинган маълумотини тақдим қилгани ҳақида кўрсатувлар беришди.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 5-бандида, қонунга кўра, ҳукм тахминларга асосланиши мумкин эмаслиги, шу туфайли моддий қимматликлар камомоди фактининг ўзи, агар унинг сабаблари тергов ва суд томонидан аниқланмаган бўлса, талон-торож қилиш жинояти сифатида баҳоланиши мумкин эмаслигини судлар назарда тутишлари кераклиги, шахсни ўзганинг мулкни талон-торож қилишда (ЖК 167-моддаси) айбдор деб топиш учун бу мулк айбдор томонидан ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратилганлигини тасдиқловчи аниқ фактларга асосланмоқ зарурлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ раҳбари Р.Рахматов томонидан тақдим қилинган ҳисобот ва шу мазмунда берган кўрсатуви ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ эканлиги ва ишончлилиги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган бўлса-да, унинг ҳисоботи ва кўрсатувлари далил сифатида асос қилиб олинган.

Тергов органи фақатгина ширкат раҳбари Р.Рахматов томонидан тақдим қилинган ва илмий жиҳатдан асосланмаган ҳисоботда кўрсатилган ҳолатлар бўйича ҳақиқатда Н.Халилдиновнинг бош ҳисобчи бўлиб ишламаган “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШдан ойлик иш ҳақи тушириб олиш ваколати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, унинг пластик картасига туширилган пул маблағларининг сабабини мутахассисларни асосли ҳулосаси билан ўрганиб чиқмасдан, 2022 йилнинг январь ойидан декабрь ойига қадар бўлган вақт давомида ўзига белгиланган ойлик иш ҳақидан 73.805.206,27 сўм миқдорида кўп ойлик иш ҳақи ёзиб, ушбу пулларни пластик



картасига тушириб олганлик фактини ўзинигина талон-торож сифатида баҳолаб, бу пулларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда асоссиз айблаган.

Мазкур жиноят иши доирасида мутахассислар томонидан ширкатда ўтказилган текшириш давомида 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Н.Халилдиновнинг “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishestvo” КШдан ўзига 73.805.206,27 сўм ортиқча ойлик иш ҳақи ёзиб олганлиги аниқланмаган.

Шунга кўра фақат Р.Рахматовнинг тақдим этган ҳисоботида кўрсатилган ҳолатлар бўйича тахминларга асосланиб, талон-торож қилиш сабабларини аниқламасдан туриб, Н.Халилдиновни ширкатнинг 73.805.206,27 сўм мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айблаб бўлмайди.

ЖПКнинг 83-моддасида, судланувчи иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги белгиланган.

Шу сабабли, суд судланувчи Н.Халилдиновнинг ҳаракатида қайд этилган айб эпизодида ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жинояти таркиби мавжуд эмаслигини ва бу ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермаганлигини инobatга олиб, мазкур айблов эпизоди бўйича айбсиз деб топиб, ЖПК 83-моддасининг 1,2-бандларига асосан реабилитация этишни лозим топди.

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

45-моддасида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмаслиги;

167-моддасининг 4-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 45-моддасида, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Суд, қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда судланувчи А.Хамидовга жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар бартараф этилганлиги, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, моддалар санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, маълум муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўллашни ҳамда гаров шартлари бузилмаганлиги сабабли депозит ҳисоб рақамига тўланган гаров пулини гаровга қўювчига қайтаришни;

судланувчи Н.Халилдиновга жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар бартараф этилганлиги, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, моддалар санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, маълум муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўллашни ҳамда гаров шартлари бузилмаганлиги сабабли депозит ҳисоб рақамига тўланган гаров пулини гаровга қўювчига қайтаришни;

судланувчи А.Ғуломқодировга жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар бартараф этилганлиги, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, моддалар санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, маълум муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўллашни;

судланувчи Т.Одиловга жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар бартараф этилганлиги, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, моддалар санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигини инобатга олиб, маълум муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўллашни;

судланувчи С.Қучқоровга жазо тайинлашда, қилмишидан пушаймонлиги, жиноят содир этилган вақтда судланмаганлиги, етказилган зарар бартараф этилганлиги, жиноятни содир этишдаги ролини инобатга олиб, моддалар санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда жиноятлар илгариги ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилганлиги сабабли ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан жазоларни қисман қўшишни лозим топди.

Шунингдек суд, жиноят оқибатида етказилган зарар масаласи ва ашъвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Суд муҳокамасида жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан насия савдо шартномалари бўйича жабрланувчилар



А.Хасановдан 227.383 сўм, Б.Олимжановдан 2.010.998 сўм, Д.Хасановдан 4.522.500 сўм, О.Алимовдан 746.058 сўм, Г.Ахмедовадан 2.051.234 сўм, Г.Азаматовадан 400.000 сўм, Ф.Болибековадан 500.000 сўм, Х.Абдуқодировдан 3.700.000 сўм, М.Хомидовдан 491.765 сўм, Д.Миллажоновадан 1.900.000 сўм, М.Абдуғаниевдан 676.576 сўм, Г.Хасановадан 3.867.750 сўм пул маблағларини ушлаб қолинганлиги ҳамда “Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ўртасидаги солиштира далолатномасига асосан 3.127.300.800 сўм пул маблағларини “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ҳисоб рақамига қайтарилганлиги аниқланди.

Шу сабабли, суд судланувчилар А.Хамидов ва Н.Халилдинов томонидан зарарни қоплаш мақсадида Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 151.000.000 сўм пул маблағларидан жабрланувчилар А.Хасановга 227.383 сўм, Б.Олимжановга 2.010.998 сўм, Д.Хасановга 4.522.500 сўм, О.Алимовга 746.058 сўм, Г.Ахмедовага 2.051.234 сўм, Г.Азаматовага 400.000 сўм, Ф.Болибековага 500.000 сўм, Х.Абдуқодировга 3.700.000 сўм, М.Хомидовга 491.765 сўм, Д.Миллажоновага 1.900.000 сўм, М.Абдуғаниевга 676.576 сўм, Г.Хасановага 3.867.750 сўм ҳамда қолган 129.905.754 сўм пул маблағларини айбловда кўрсатилган фуқаролар билан тузилган шартномаларни тўлови учун “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШга ўтказишни лозим топди.

Шунингдек суд, жабрланувчи Ф.Болибекованинг айбдор шахслардан 100.000.000 сўм, жабрланувчи Р.Рахматов вакилларининг судланувчилар А.Хамидов, Н.Халилдинов, А.Ғуломқодиров, Т.Одилов ва С.Қучқоровдан “Iman Halal Investments Kommanditnoe Tovarishstvo” КШ ва таъсисчиларига 1.000.000.000 сўм маънавий зарарни ундириб бериш ҳақидаги даъволарини муҳокама қилиб, уларга қайд этилган зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаровий даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни;

ёзма ашёвий далиллар деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Хамидов Ахмаджон Мамирович Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

А.Хамидовга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2024 йилнинг 25 сентябрдан 29 октябрга қадар қамокда сақланган 3 ой 12 кунини ахлоқ тузатиш ишларининг 3 кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегирилсин ва ўташ учун 2 йил 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ўз иш жойида ўтатирилиб, муддати Пробация гуруҳида ҳисобга олинган кундан ҳисоблансин ва ҳукми ижро этиш Тошкент шаҳар, Янги ҳаёт тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

А.Хамидовга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 100.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчига қайтарилсин.

Халилдинов Нуриддин Асролиддин ўғли айбловдаги 73.805.206,27 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш эпизоди бўйича айбсиз деб топилсин ва ЖПК 83-моддасининг 1,2-бандларига асосан реабилитация этилсин.

Халилдинов Нуриддин Асролиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

Н.Халилдиновга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2024 йилнинг 25 сентябрдан 29 октябрга қадар қамокда сақланган 3 ой 12 кунини ахлоқ тузатиш ишларининг 3 кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан



чегирилсин ва ўташ учун 2 йил 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ўз иш жойида ўтатирилиб, муддати Пробация гуруҳида ҳисобга олинган кундан ҳисоблансин ва ҳукми ижро этиш Фарғона шаҳар ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Н.Халилдиновга қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 100.000.000 сўм гаров пули гаровга қўювчига қайтарилсин.

Ғуломқодиров Алихон Султонхон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

А.Ғуломқодировга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ўз иш жойида ўтатирилиб, муддати Пробация гуруҳида ҳисобга олинган кундан ҳисоблансин ва ҳукми ижро этиш Фарғона шаҳар ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

А.Ғуломқодировга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Одилов Темурбек Улуғбек ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

Т.Одиловга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 1 йил муддатга давлат ташкилотларида моддий



жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ўз иш жойида ўтатирилиб, муддати Пробация гуруҳида ҳисобга олинган кундан ҳисоблансин ва ҳукми ижро этиш Фарғона шаҳар ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Т.Одиловга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Қучқоров Сайдуллоҳон Зиёдулло ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,167-моддаси 3-қисмининг “г” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

С.Қучқоровга ЖК 28,167-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан жазони илгариги ҳукм юзасидан тайинланган 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 16 июлдан бошлаб ҳисобланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

С.Қучқоровга қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

“Of Course” МЧЖ ва “Iman Halal Investments Kommanditnoe Товарищество” КШ ўртасидаги солиштирма далолатномасига асосан 3.127.300.800 сўм пул маблағларини “Iman Halal Investments Kommanditnoe Товарищество” КШ ҳисоб рақамига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Фарғона вилояти ИИБнинг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига тўланган 151.000.000 сўм пул маблағларидан жабрланувчилар А.Хасановга 227.383 сўм, Б.Олимжановга 2.010.998 сўм, Д.Хасановга 4.522.500 сўм, О.Алимовга 746.058 сўм, Г.Ахмедовага 2.051.234 сўм, Г.Азаматовага 400.000 сўм, Ф.Болибековага 500.000 сўм, Х.Абдуқодировга 3.700.000 сўм, М.Хомидовга 491.765 сўм, Д.Миллажоновага 1.900.000 сўм, М.Абдуғаниевга 676.576 сўм, Г.Хасановага 3.867.750 сўм ҳамда қолган 129.905.754 сўм пул маблағлари айбловда кўрсатилган фуқаролар билан тузилган шартномаларни тўлови учун “Iman Halal Investments Kommanditnoe Товарищество” КШга ўтказилсин.



Жабрланувчилар Ф.Болибекова ва Р.Рахматовга маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаровий даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ёзма ашёвий далиллар деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Б.Эргашев

